

Таҳрир ҳайъати раиси

Б. Сайитқулов – в.ф.н.

Таҳрир ҳайъати:

Ж.Азимов – академик

Б.Норқобилов – *Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси раиси*

Х. Юнусов – СамВМИ ректори

А.Орипов – профессор

Ҳ.Салимов – профессор

Б.Салимов – профессор

А.Даминов – профессор

Р.Давлатов – профессор

Қ.Норбоев – профессор

А.Қахаров – профессор

Б.Нарзиев – в.ф.н., доцент

Ш.Джаббаров – в.ф.д.

Н.Йўлдошев – в.ф.д.

Х.Ниёзов – в.ф.д.

Н.Дилмуродов – профессор

Х.Бозоров – в.ф.н., доцент

Ғ.Менглиев – в.ф.н.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

Муҳаррир:

Ғайрат Менглиев

Гулсара САЙИТҚУЛОВА

Дизайнер:

Ҳусан САФРАЛИЕВ

2007 йил сентябрдан чоп этилмоқда

Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:

Ўзбекистон Республикаси

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси,

«AGROZOOVETSERVIS»

масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2018 йил 2 февралда 0284-ракам билан рўйхатга олинган

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Усмон Носир, 22 А/Я: 5628.

Таҳририят манзили: 100022, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 22-уй
Тел.: 99 831-61-33; 93 515-84-80

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

Адади 4260.

Нашр индекси: 1162

Босишга рухсат этилди: 19.01.2020.

Бичими 60x84¹/₈. Офсет усулида чоп этилди. 4,25 б.т. Буюртма № .

Баҳоси келишилган нархда.

© Veterinariya meditsinasi, #01 (146) 2020

“SIFAT XIZMAT MEDIA” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

100000, Олой кўчаси, 1-уй.

Дилдаги гап**Баҳром Норқобилов** – Тараққиётнинг янги йўли 3**Келажакни кўзлаб...**

Соҳа ёшлари доимий эътиборда 5

Тараққиёт**С.Эргашева** – Ўзбекистонда чорвачиликнинг янги даври, истикболи ва муаммолар 6**А.Тошов, И.Ҳафизов** – Йилқичиликда инновация: Ягона миллий “от паспорти” 9**Инвестиция истиқболлари**

Халқаро ҳамкорлик – бекиёс имкониятлар демак 11

В.Рудакова – Самоотверженный труд во благо Узбекистана 12**Ибрат****Н.Эргашев** – Мехнатда улғайган одамлар 15**Юқумли касалликлар****Г.Х.Мамадуллаев ва бошқ.** – “Тубазит-инулин” препаратининг туберкулёз микобактериялари қўзғатувчиларига in vitro таъсири (давони) 18**Х.С.Салимов** – Туберкулез – сурункали, юқумли касаллик (давони) 19**К.Акрамов, Б.Кулиев** – Қўйларда аралаш инфекцияларнинг этиологияси хақида адабиётлар таҳлили 21**Паразитар касалликлар****Б.Салимов, Х.Отабоев** – Қўйларнинг парамфистоматозлари 23**Б.Мухторов** – Сигирларда йирингли пододерматит касаллигини даволашда “Ветацеф-50” антибиотигининг самарадорлиги 26**Фармакология ва токсикология****А.И. Трубкин, Г.А. Менглиев и др.** – Эффективность “Ильметина” при неонатальной диарее поросят 28**А.А.Камбаров и др.** – Изучение терапевтической и профилактической эффективности ветосубалина при аэромонозе в условиях садков 31**Тажриба алмашув****Қ.Н.Норбоев ва бошқ.** – Қорамолчилик фермер хўжалигини ривожлантириш омиллари 33**С.Фармонов** – 2-меркаптобензотиазолнинг хайвонлар организмга таъсирини ўрганиш 34**Табрик**

70 ёш муборак, Норменгли бобо 36

Ветврачиликдан кадр топдим 36

Chairman of Editorial Board:

B.Sayitqulov - doctor of veterinary

Editorial board:

J.Azimov - academic
 B.Norqobilov – State Committee of
 Veterinary and Livestock
 development of the
 Republic of Uzbekistan
 X. Yunusov – Rector of SamIVM
 A.Oripov – professor
 X.Salimov – professor
 B.Salimov – professor
 A.Daminov – professor
 R.Davlatov – professor
 Q.Norboev – professor
 A.Kakharov – professor
 B.Narziev – doctor of veterinary
 Sh.Djabbarov – doctor of veterinary
 N.Yuldoshev – doctor of veterinary
 X.Niyozov – doctor of veterinary
 N.Dilmurodov – professor
 X.Bozorov – doctor of veterinary
 G.Mengliev – doctor of veterinary

Acting Chief Editor:

Abdunabi ALIKULOV

Editors:

Gayrat MENGLIYEV
 Gulsara SAIDKULOVA

Designer:

Husan SAFARALIYEV

Published since September 2007

Initiator and leader of the project:

State Committee of Veterinary and
 Livestock development of the Republic of
 Uzbekistan

Founders:

State Committee of Veterinary and Live-
 stock development of the
 Republic of Uzbekistan,
 «AGROZOOVETSERVIS» Co., Ltd.

**Registered in Uzbekistan Press and
 News agency by 0284**

Address: po/box: 5628, 22, Usmon Nosir,

Tashkent, 100070. Editorial address: 4,

Kushbegi, 22

Tashkent, 100022

Tel.: **99 831-61-33; 93 515-84-80**

Web-site: www.vetjurnal.uz

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

circulation: 4260

Index: 1162

Permitted for print: 19.01.2020. Format
 60x84 1/8 Printed by Offset printing 4,25
 press works Order #414 Free price.

© «Veterinariya meditsinasi», #01 (146) 2020

Printed by “Sifat xizmat media”
 Co., Ltd., Tashkent city.
 1, Oloy str.

B. Norkobilov – Let’s pursue the ambitious goals that we have set...3

A.Toshov, I.Hafizov – Innovation in horse breeding:

The only national horse passport9

International cooperation is an incredible opportunity 11

V.Rudakova – Selfless work for the welfare of Uzbekistan 12

N.Ergashev – People who grew up in work..... 15

Contagious diseases

G.H. Mamadullaev and others – In vitro effect of “Tubazit-inulin” drug
 to the causative agents of tuberculosis mycobacteria (continued) 18

H.S. Salimov – Tuberculosis is very dangerous illness (continued) 19

K. Akramov, B. Kuliev – The literature review on etiology of mixed
 infections in sheep..... 21

Parasitology

B.Salimov, H.Otabaev – Let’s pay attention to paramphistomatosis
 of sheep 23

B. Mukhtorov – The efficacy of vetaceph-50 in treatment of purulent
 pododermatitis in cows 26

Pharmacology and Toxicology

A.I. Trubkin, G.A. Mengliev and others – The effectiveness of
 Ilmetin in neonatal diarrhea of piglets 28

A.A. Kambarov and others – The study of the therapeutic and prophylactic
 efficacy of vetosubalin in aeromonosis under cage conditions ... 31

Exchange of experience

K.N.Norboev and others – Factors influencing Livestock Farm
 Development 33

S. Farmonov – The study of effects of 2-mercaptobenzothiazole to
 animal body 34

Congratulations

Happy 70 year old grandad Normengli..... 36

Happy 60th Anniversary!..... 36

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ЙЎЛИ

Бугун элимиз орасида қизгин муҳокама қилинаётган ва ёшу қарининг тақдирига алоқадор бўлган Президентимизнинг мамлакатимиз парламентиغا йўллаган Мурожаатномаси ҳеч шубҳа йўқ-ки, ҳаётимизни тубдан ўзгартиришга, юртимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Ушбу Мурожаатномада мамлакатимизда эришилган ютуқлар, шунингдек ўз ечимини кутаётган ва жамиятимизнинг ривожланишига тўғанок бўлаётган муаммолар, уларнинг ечими атрофлича ёритилиб, истикболда амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг шахсан ташаббуслари ҳамда бевосита қўллаб-қувватлашлари билан мамлакатимизнинг чорвачилик соҳасида ҳам янги давр, устувор истикболли режаларни амалга ошириш даври бошланди, десак муболаға бўлмайди.

Фермер ва деҳқонлар, шу жумладан чорвадорларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида соҳага илғор рақамли технологияларни ва кластер тизимини жорий этиш бугунги куннинг талабидир.

Жумладан, 2020 йилда Хитой давлатининг компаниялари томонидан **51 миллион АҚШ доллари** ҳисобидаги тўғридан-тўғри инвестициялар киритилиб, **3 та** чорвачилик йўналишида кластер ташкил этилади.

Осиё тараққиёт банкининг **150 миллион АҚШ доллар** маблағи ҳисобига “Чорвачилик соҳасида кўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш” лойиҳаси амалга оширилади.

“Ўзбекистонда чорвачилик тармоғини ривожлантириш” лойиҳасига Франция тараққиёт агентлигининг **85 миллион АҚШ доллари** жалб қилиниб, лойиҳа доирасида Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро вилоятидаги чорвачилик тармоқларини ривожлантириш учун тижорат банклари орқали имтиёзли кредитлар тақдим этилади.

Озуқабоп ўсимликлар уруғларини тизимли етказиб бериш учун **1 минг 30 гектар** майдонда озуқабоп ўсимликлар уруғларини етиштириш йўлга қўйилади.

Томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш мақсадида лалми ва яйлов

ер участкаларида озуқабоп экинлар етиштириш йўлга қўйилади.

Паррандалар бош сонини кўпайтириш ва тухум ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш мақсадида, 2020 йилда жами қиймати **880 миллиард** сўмлик **278 та** паррандачилик лойиҳалари ишга туширилади.

Шунингдек, жами қиймати **263 миллиард** сўмлик йиллик қуввати **35 минг тонна** гўшт ва **35 миллион дона** тухум ишлаб чиқариш қувватига эга **9 та** паррандачилик кластерлари фаолияти йўлга қўйилади.

Шу билан бир қаторда, ветеринария ва чорвачилик соҳаларида электрон ахборот тизимларидан фойдаланиш кўлами кенгайтирилади. Жумладан, 2020 йилда чорвачиликда янги лойиҳалар ва муаммоли масалалар мониторинг тизими, ветеринария-санитария жиҳатидан хавфсизлиги кафолатланган сўйилган ҳайвон гўштларининг ягона электрон маълумотлар базаси, идентификация қилинган ҳайвонлар ягона электрон маълумотлар базаси, ветеринария назорати остидаги объектлар ягона электрон реестри ва эпизоотияга қарши курашиш тадбирлари мониторинг тизими каби электрон дастурлар амалиётга жорий қилинади.

Чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва маҳсулот турларини кенгайтириш, шунингдек, сифатли ва арзон чорва маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга соҳада илм-маърифат, замонавий ва инновацион ёндашувлар, тармоқ фаолиятини илмий асосда ташкил этиш ҳамда тизимда малакали ёш кадрларни тайёрлаш орқалигина эриша оламиз.

Муҳтарам Президентимиз томонидан “**2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили**”, деб эълон қилиниши айни муддао бўлди.

Мурожаатноманинг эътиборли жиҳати шундаки, ҳаётимиздаги бирор жабҳа, бирор соҳа ва

ундаги ҳолатлар, муаммолару камчиликлар Президентимизнинг эътиборидан четда қолмади. Бу улуғвор ишларни бажаришда ёшлар катта куч эканлиги, таълим-тарбия жараёнларини янада такомиллаштириш ва бу борада хориж тажрибасини миллий қадриятларимизга муқояса қилган ҳолда ишларни ташкил этиш яхши самара бериши айтиб ўтилди.

Бугунги кунда, долзарб масалалардан бири бўлган соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйишда билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур.

Бу борада Самарқанд ветеринария медицинаси институти, унинг Нукус ва Тошкент филиалларида хорижий тажрибалар ва қўшма дастурлар, янги ёндашувлар асосида ўқув режа ва дастурларини қайта ишлаб чиқишимиз ҳамда соҳа учун билимли, илм-маърифатли ва юксак маънавиятли ёш кадрлар тайёрлашни йўлга қўйишимиз зарур.

Қўмита тизимида **4 та** илмий-тадқиқот институтлари, **1 та** олий таълим муассасаси ва унинг **2 та** филиали, **3 та** техникум ва **1 та** академик лицей самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бизнинг мазкур олий таълим муассасаларимизда ўқиш истагини билдирган, илмли бўламан, деган барча ёшларимизга таҳсил олиши учун ҳамма қулайликлар яратилади.

Қабул квоталарини 2020 йилда камида **25 фоизга** ва келгусида **50-60 фоизга** етказиш мақсадида, 2020/2021 ўқув йили учун қабул квоталари – **2400** дан кўпайтирилиб, **700** дан ортик ветеринария мутахассислари, **2 мингга** яқин техник-осеменаторларнинг малакаси оширилади.

Бунда, айниқса, рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашга алоҳида эътибор қаратилади. Келгусида республикамизда грантлар миқдорини кўпайтириш ва тадқиқот йўналишлари қўламини кенгайтирилишини назарда тутган ҳолда чорвачиликнинг барча тармоқлари фаолиятини илмий асосда ташкил этиш, илмий-тадқиқот натижалари ва инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш йўлга қўйилади.

Пировард натижада, мамлакатимиз истеъмол бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашда муҳим звено – чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини

кўпайтириш ҳамда «даладан дўконгача» бўлган узлуксиз занжирни яратишга эришилади.

2020 йилдан чорвачилик, қорақўлчилик, балиқчилик, паррандачилик каби соҳаларда наслчиликка алоҳида эътибор қаратилиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари татбиқ этилади.

Хусусан, тижорат банклари ажратадиган кредитлар бўйича компенсация ёки кредит суммасининг 50 фоизи миқдорида кафиллик тақдим этиш, хорижий валютадаги кредитлар учун тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация тақдим этиш жорий этилади. Шунингдек, а) сотиб олинган ҳар бир бош наслдор қорамол; б) интенсив усулда етиштирилган балиқ; в) ҳар бир бош 1 кунлик насли жўжани импорт қилиш учун хўжаликларга субсидиялар ажратилади.

2022 йил 1 январга қадар, корхоналарга ўзи ишлаб чиқарган тухум ва гўшт маҳсулотларини экспорт қилишда, наслдор инкубацион тухум ва наслдор бир кунлик жўжаларни, шунингдек вакцина, ветеринария дори воситаларини импорт қилишда, истисно тариқасида, амалдаги хаво транспорти тарифларига 20 фоизлик чегирма жорий этилади.

Республикамизнинг Ветеринария ва чорвачилик соҳаси олдида бизни улкан вазибалар ва катта масъулият кутмоқда.

Ҳурматли ҳамкасблар, соҳа олимлари, Президентимизнинг ушбу мурожаатларидан ҳар биримиз керакли хулоса чиқариб, яратилаётган кенг шарт-шароитларга муносиб жавоб берган ҳолда, янада фаол бўлишимиз, мамлакатимизда ветеринар осойишталикни таъминлаш, чорвачиликни барча тармоқларини янада ривожлантириш, ҳайвонларнинг наслини яхшилаш ва бу орқали халқимиз истеъмоли учун етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш йўлида бор билим, куч-ғайратимиз ва тажрибамизни сафарбар этишимиз зарур.

Баҳром НОРҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси

СОҲА ЁШЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Норқобилов тизимда фаолият олиб бораётган ёшлар билан очик мулоқот ўтказди.

Бугунги кунда қўмита тизимида Ёшларга оид давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш борасида Ёшлар иттифокининг бошланғич ташкилоти ташкил этилиб, иттифоқ етакчиси қўмита раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси этиб

ларига жалб этилди. Соҳада айни кунларда юздан ортик ёш олим фаолият кўрсатмоқда, шунингдек, 60 нафар таянч докторант, 3 нафар республика фан олимпиадаси ғолиби, 2 нафар халқаро танлов ғолиби, 4 нафар номдор стипендия соҳиблари бор. Очик мулоқотда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тизимидаги ёшлар томонидан кўтарилган масалалар, уларни қизиқтирган мавзулар юзасидан атрофлича фикр ва мулоҳазалар билдирилди.



белгиланган. Шунингдек, қўмитанинг барча ташкилотларида Ёшлар иттифокининг бошланғич ташкилотлари етакчилари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, тизимда 2 мингга яқин ёшлар фаолият олиб бормоқда. Ёшлар маданиятини ошириш, маънавий тадбирлар ҳамда спорт ўйинлари учун 2019 йилда 80 миллион сўмдан ортик маблағлар ажратилди. Ўтказилаётган “Олтин тулпор” танловида “Энг ёш ветеринария мутахассиси” номинацияси бўйича ёш ветеринар ва чорвадорлар тақдирланмоқда.

Тадбирга соҳада халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида хорижий мутахассислар таклиф этилиб, ёшлар иштирокида семинарлар ташкил этилаётгани алоҳида қайд этилди. Хусусан, тажриба алмашиш мақсадида ёш мутахассисларни хорижий мамлакатларга малака оширишга юбориш йўлга қўйилди. Қўмита тасарруфидаги Самарқанд ветеринария медицинаси институтида 6 та факультет ва 23 та кафедра мавжуд бўлиб, 38 та таълим йўналиши бўйича бакалавр, 26 та мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланмоқда.

Шунингдек, Беларусь Республикасининг Гродно давлат аграр университети ҳамда Витебск давлат ветеринария медицинаси академияси билан ҳамкорликда 3 та йўналишда (зооинженерия, ветеринария медицинаси, ветеринария фармацевтикаси) қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш амалга оширилди. Институтда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази фаолияти йўлга қўйилиб, 2019 йил сентябрь-декабрь ойларида жами 240 нафар мутахассис ҳамда 1 минг 170 нафар техник-оссеминатор ўқув курс-

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 ноябрдаги 926-сонли қарорига мувофиқ қўмитанинг Самарқанд ветеринария медицинаси институти Нукус филиали ташкил этилган.

Шунингдек, жорий йилнинг 13 январь куни Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Норқобилов қўмитанинг Самарқанд ветеринария медицинаси институти Нукус филиалида таҳсил олаётган талабалар билан очик мулоқот ўтказди. Очик мулоқот тарзида бўлиб ўтган тадбирда талабалар томонидан кўтарилган масалалар, уларни қизиқтирган мавзулар юзасидан атрофлича фикр ва мулоҳазалар юритилди.



Ҳозирги кунда 1 ва 2-курслардаги 3 та бакалавр таълим йўналишида жами 121 нафар талабалар таҳсил олмоқда.

Филиал томонидан қисқа фурсатда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш, кадрлар малакасини ошириш мақсадида Иркутск давлат аграр университети, Вологда давлат сўт хўжалиги академияси, Красноярск давлат аграр университети ҳамда Полтава аграр академияси сингари хорижийнинг бир қатор илғор олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланганга эришилди.

*Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш
Давлат қўмитаси Ахборот хизмати*

ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ, ИСТИҚБОЛИ ВА МУАММОЛАР

Пойтахтимизда чорвачилик истиқболларига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди. Унда республикамизнинг таниқли олимлари, чорвачилик фидойилари, мутахассислари қатори Германия, Туркия, Исроил, Австрия, АҚШ, Нидерландия ва Швеция каби давлатлардан келган дунёга машхур фирма ва компанияларнинг вакиллари ҳам иштирок этишди.

Хорижлик меҳмонлар чорвачилик соҳасидаги янгиликлар, илғор тажрибалар, янги техника ва технологияларни кўргазмалар воситалар кўмагида намойиш этишди



Анжуманда “Ўзбекчорванасл” агентлиги раиси Абдурасул Абдуллаев сўзга чиқди ва жорий йилдан бошлаб чорва молларининг зотини яхшилаш, озуқа тайёрлаш, замонавий чорва комплексларини ташкил этиш, ҳисоб-китобни йўлга қўйиш каби йўналишларда тизимли ишларни амалга оширилишини таъкидлади.

Маълумотларга кўра, ўтган йил республикамизга чет давлатлардан 145 минг бошдан зиёд қорамол (шундан 30 минг боши насли), 217 минг бошдан зиёд қўй ва эчкилар олиб келинган. 72 та

бўрдоқчилик ва 80 та сутчилик йўналишидаги чорвачилик мажмуалари ташкил этилган. Албатта жониворларни чет элдан олиб келиш, уни боқиб кўпайтириш осон иш эмас, бу катта харажат ва валютани талаб этади. Зотдор чорвани шу ернинг ўзида кўпайтириш имкони йўқми? Албатта бор, фақат бунинг учун инновацион тамойилларга таянган ҳолда сунъий уруғлантириш ва зотдор чорвани касалликка чалинтирмаслик чораларини кўриш зарур. Бу борада жорий йилда “Ўзбекчорванасл” агентлиги томонидан махсус иш режаси ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда. Абдурасул Абдуллаев ҳукуратимиз раҳбарлигида “Ўзбекчорванасл” агентлиги тизимининг моддий-техник ҳолати яхшилашиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Германиялик мутахассис Бернд Хенн жаноблари ўз маърузасида чорва молларини илмий асосларга таянган ҳолда озиклантириш борасидаги янгиликлардан сўз очди. Нотиқ ўз сўзида асосий эътиборни чорвачилик мажмуалари ишини ташкил этишда бошқарув менежментининг ўрни бекиёс эканлигини айтиб ўтди. Кўп ҳолларда тadbиркор чорвачилик бўйича янги ташкил қилаётган





лойиханинг молиявий ишларида хатоликка йўл қўяди. Ишлар бошланганидан кейин навбатдаги харажатлар пайдо бўлганда муаммолар келиб чиқади. Бундай бўлмаслиги учун доимо мутахассислар билан ҳамкорликда ишлаш лозим.

Шунингдек, маърузаларда кейинги пайтда соҳага малакали мутахассислар етишмаётгани, тизимда ёш кадрларнинг малакасини ошириш зарурлиги айтиб ўтилди. Замонавий чорвачилик комплексларида соғин сигирларни парваришлаш, сут соғиш бўйича янги технологияларни қўллаш жуда муҳимдир. Шунингдек Ўзбекистон шароитида озуқабоп экинлар жойлаштирилган пайкалларни етарли даражада назорат қилиш, ҳосилдорликни ошириш ва шу орқали чорвани боқишнинг аҳамияти катта. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Оҳангарон, Қорақалпоғистон республикасининг Тахтақўпир, Бўзатов, Қўнғирот ва Мўйнок туманларида чорвачиликни ривожлантириш, шу йўналишларда йирик лойиҳаларни амалга ошириш бошлаб юборилди. Тадбиркорлар томонидан йирик чорвачилик мажмуалари барпо этилгани, тегишли идоралар кўмагида хориждан насли қорамоллар келтирилгани фикримизнинг исботидир. Албатта амалга оширилган лойиҳаларнинг натижасини кўриш, сут ва гўштни қайта ишлаш тизимини тўлиқ яратиш, бозорда хорижникидан қолишмайдиган, бежирим қадоқланган, юқори сифатли чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш осон иш эмас ва бу жараён маълум бир вақтни талаб этади. Президентимиз томонидан соҳани ҳар томонлама ривожлантиришга, хориж инвестициясини олиб киришга астойдил ҳаракат қилинаётган экан бу имкониятдан тадбиркору чорвадорлар янада унумли фойдаланишлари зарур. Фермалардаги умумий ҳолатни яхшилаш учун янги замонавий ускуналарда ишлашга ўтиш, кам

харажат талаб этадиган технологияни қўллаш охирига экологик тоза ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашга имкон яратиши ҳам бор гап. Бу борада тадбиркорларнинг ўз билим ва тажрибаларини бойитиши жуда зарур. Худди шу йўналишда изчилликни йўлга қўйиш, қонун-қоидаларни ўрганиш, энг муҳими тартиб-интизомни бузмасдан ишлаш хорижий давлатлардаги каби қўрилган натижани беради. Бу масалалар ҳам анжуманда тилга олинди.

Афсуски, бугун чорвачилик тизимида ишлаб чиқарилган сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш, маҳсулотни сотиш, экспорт қилиш борасида бир қатор муаммолар мавжуд. Қишлоқ даврида чорвани талаб даражасида озиклантириш масаласи ҳам кўпчилик чорвадорларни қийнамоқда. Чунки ўтган йил баъзи туманларда чорвачилик учун ажратилган ерлардан мақсадли фойдаланиш масаласи ҳақиқий муаммога айланди. Айниқса Фарғона водийси вилоятларида озуқа экинлари учун ер таъминоти жуда мураккаблигича қолмоқда.

Шу боис бу ҳудудларда хориж техника ва технологияларини қўллаган ҳолда гидропоника усулида озуқа тайёрлашга ўтиш энг мақбул йўлдир. Гап замонавий технологиялар ҳақида борар экан хорижлик ҳамкорлари билан Ўзбекистон бозорида





мустақкам ўрин эгаллашга интилаётган “Agritech holding” компанияси анжуманда иштирок этаётган мутахассислару чорвадорларга Европа стандартларига мос келадиган чорвачилик мажмуаларини қуриш ва ишга тушириб бериш бўйича аниқ лойиҳаларини намойиш этди. 200 бошдан 10 минг бошга қадар қорамолларни сиғдира оладиган бундай чорвачилик мажмуаларини қуриш бўйича етарли тажрибага эга бўлган мазкур компания тадбиркорларга чорвани ривожлантириш борасида ҳам кўмаклашиши мумкин.

«Ўзбекипаксаноат” уюшмаси раҳбари Баҳром Шарипов анжуманда сўзга чиқиб қўй ва эчки жунини, хусусан оқ эчки ва меранас зотли қўйлар жунини қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспортга чиқариш бўйича германиялик инвесторлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганини баён этди.

- Сиз жун ва ишчи билан таъминланг, биз қайта ишланган жунни сиздан юқори нархда сотиб олиб, ундан ипак аралаш гиламлар, гиламчалар тайёрлаб экспорт қилайлик, ана шунда сизу биз ҳам давлат ҳам бирдек манфаат топади, - деди уюшма раҳбари.

Анжуманда хорижлик меҳмонлар қатори тадбиркорлару фермерлар ҳам сўзга чиқишди. Иштирокчилар томонидан берилган саволларга мутасаддилар батафсил жавоблар беришди.

Анжуман жараёнида иштирокчиларнинг мулоҳазаларига ҳам кулоқ тутдик.

- Бугун Президентимиз томонидан мамлакатимизда барча соҳалар қатори чорвачиликка, унинг таянчи саналган ветеринарияга катта эътибор берилмоқда. Қишлоқлар ободлиги, иқтисодиётнинг янада ривожланишида, оилалар даромадининг оширишда бу соҳанинг ўрни бекиёс. Шу боис Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам муаммолар ечимига катта ўрин берилган,

- дейди ургутлик тадбиркор Исмоил Хушвақтов. - Анжуман баҳонасида хорижлик хамкасблар билан танишдик. Айниқса менга Швециянинг «Делавал» компаниясининг ускуналари маъқул келди. Қиммат, аммо сифати юқори, ҳадеб бузилавермайди. Бундан ташқари мазкур ускуналарни ўрнатиш чорвачиликда маҳсулдорликни оширишга, сигирларнинг касалликка чалинишини сезиларли даражада камайтишига олиб келади. Шунингдек мана шундай халқаро анжуманларда албатта ветеринария хизматининг аҳамияти алоҳида таъкидланиши керак. Чунки бу хизматсиз, касалликларга қарши кураш самарадорлигини оширмасдан чорвачиликда қутилган натижага эришиб бўлмайди. Молни боқишда ҳам, сут ва гўштни баҳолаш, қайта ишланган маҳсулотларни сотиш, экспорт қилиш жараёнларида ҳам ветврач керак. Шундай экан чорвачилик бўйича йиғилиш бўлдими, чорвадорнинг ёнида албатта ветеринария ходими бўлмоғи, унга ҳам сўз берилмоғи зарур, деб ўйлайман.



- Бир неча чет эллик мутахассислар билан суҳбатлашдим. Уларни Асакага, сутни қайта ишлаш корхонамга таклиф этдим. Очиғи, чорвачиликни ривожлантиришга давлат томонидан эътибору имтиёз янада кўпайса, тез орада биз нафақат ички бозорни таъминлаймиз, балки экспорт салоҳиятимиз ҳам ошади. Фақат бунинг учун кучли озуқа таъминотини адолатли тарзда, ҳам арзон ҳам сифатли бўлишини давлат йўли билан назоратга олиш зарур. Чунки чорвачилик энг тараққий этган ва бозор иқтисодиёти устувор бўлган мамлакатларда ҳам озик-овқат хавфсизлиги борасидаги давлат назорати асло пасайган эмас. Бу фақат менинг фикрим эмас, балки корхонам билан ҳамкорликка киришган, кунига 25 тоннадан ортиқ сутни қайта ишлашимизга шароит яратиб бераётган ўнлаб шахрихонлик, асакалик чорвадорларнинг ўтинчи, - дейди тадбиркор Карим Набиев. - Бугунги анжуман эса ўйлайманки, бу ерга келган ҳар бир кишига у қайси йўналишда фаолият олиб бораётган бўлмасин, янги имкониятлар эшигини очди. Иштирокчилар хорижга бориб ўтирмасдан, чет эл тажрибасию чорвачилик соҳасидаги янгиликлардан халқаро анжуман баҳонасида бохабар бўлишди.

Севинч Эргашева

Йилқичиликда инновация: ЯГОНА МИЛЛИЙ ОТ ПАСПОРТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги “Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (ПҚ-3057-сон) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги “2017 – 2021 йилларда йилқичилик ва от спортини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (ВМ-517) қарорларининг қабул қилиниши республикада йилқичилик ва от спортини барқарор ривожлантириш, жумладан азалдан кўпайтирилиб, фойдаланиб келинган, ноёб хусусиятларга эга бўлган, халқ селекцияси билан яратилган қорабайир зотли отлар генофонди софлигини сақлаб қолиш, тиклаш, насл қийматини такомиллаштириш, маҳсулдорлигини ошириш имкониятини яратди.

Маълумки, қадимий анъаналарга кўра, республикада тадбирларида, тантаналарда, миллий байрамларда, тарихий саналарда, хотира турнирларида ва халқимизнинг тўй-томошаларида миллий от ўйинлари (“Улоқ-кўпқари”, “Пойга”, “Оломон пойга” ва бошқалар) мунтазам равишда ўтказиб келинади.

Республикада мунтазам равишда от спортининг классик турлари (“Тўсиқлардан сакраш” (конкур), “Учкураш”, “От йўрттириш”) бўйича нафақат республика чемпионати, балки халқаро нуфузли от спорт мусобақалари ҳам бўлиб ўтмоқда.

Классик от спорт мусобақаларида, миллий от ўйинлари беллашувларида 200-1000 бош, баъзан ундан ҳам кўпроқ отлар қатнашади.

Бундай ҳолат ўз-ўзидан эпизоотик барқарорликни назорат қилишни мураккаблаштиради, отлар ўртасида турли юқумли касалликларнинг тарқалиши ва отларга юқиш эҳтимолини кучайтиради. Чунки бундай тадбирларга қатнашиш учун жалб этилган отларнинг (хусусан миллий от ўйинларида қатнашадиган отлар) ҳаммасида ҳам режали равишда юқумли касалликларга эмланганлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд эмас.

Шунингдек, миллий ва классик от ўйинлари мусобақаларини ўтказишда зооветеринария қоидаларига риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Мусобақада қатнашувчи чавандоз, спортчи ва от соғлом бўлиши шарт. Афсуски, бугун бу борада ҳам муаммолар йўқ эмас.

Президентимиз ва ҳукуратимиз томонидан қабул қилинган қарорлар барча муаммоларга чек қўяди. Мазкур ҳужжатларга кўра, отларни бир ҳудуддан бошқа ҳудудга ташиш, шу жумладан вақтинча хо-

рижга олиб чиқиш ва қайтариб келиш, от эгасининг манфаатларини ҳимоя қилиш, Халқаро от спорт федерациясининг (FEI) спорт отлари паспортини олиш, генетик имконияти юқори бўлган насли отларни Давлат наслчили китобига киритиш, эпизоотик ҳолатни барқарорлигини назорат қилиш мақсадида отларни паспортлаштириш топшириғи федерация зиммасига юклатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4194-сон қарорида Ўзбекистон йилқичилик ва от спорт федерацияси қошида юридик шахс мақомига эга “**Қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича инновацион селекция-генетика Маркази**”ни ҳамда ушбу марказ ҳузурида отлар ДНК тести, генетик таҳлил ва сертификатлаш бўйича лабораторияни ташкил этиш топшириғи белгиланган.

Республика йилқичилигида насли материаллардан (насли айғир уруғи, эмбрион) унумли фойдаланиш, қорабайир зотига мансуб отлар насл хусусиятларини такомиллаштириб бориш ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича фундаментал тадқиқотлар ўтказиш, соҳани илмий асосда ривожлантириш мақсадида ушбу Марказ қошида отлар қон гуруҳини аниқлайдиган ҳамда генетик ДНК тест таҳлилларини ўтказадиган лаборатория ташкил қилиш режалаштирилган.

Шу тариқа отнинг насл-насаби, авлодларининг машҳурлиги ва отнинг иш қобилияти, насл қиймати, маҳсулдорлик хусусиятлари ва бошқа маълумотлар, ДНК тест таҳлиллари от паспортга киритилиб борилади ҳамда юқори насл хусусиятларига эга бўлган отлар сертификатланади.

От паспортини жорий қилиш орқали миллий ва замонавий от спорт ўйинлари талабларига жавоб берадиган соғлом зотдор отларни кўпайтириш, йилқичиликда эпизоотик барқарорликни таъминлаш, мулкчилик шаклидан қатъий назар от бош сонлари мавжуд бўлган барча тоифадаги спорт, насли ва хизмат отларини етиштирувчи субъектларда зоотехнавий тадбирларни ташкил қилиш, селекция-наслчилик ишларини тубдан такомиллаштириш имкони таъминланади.

Қорабайир республикада кескин ўзгарувчан табиий-иқлим шароитларига мослашувчанлиги, чопқирлиги, кучлилиги ва ташқи кўринишини

кўркамлиги билан ажралиб туради. Унинг ноёб хусусияти шундан иборатки, тоғ шароитига яхши мослашади, иссиқ ва совуққа бардошли, узоқ масофага чопиш, тўсиқлардан сақраб ўтишда бошқа зотлардан асло қолишмайди, миллий от ўйини мусобақаларида унга тенглашадигани топилмайди ва бу зот отларидан нафақат салт минишда, балки кишлоқ хўжалиги ишлари, юк ташишда ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Шу боис буюк соҳибкирон бобомиз Амир Темур ҳазратлари ўз навкарларини қорабайир зотли отлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратган ва шу тариқа Ўзбекистон Қорабайир зоти жаҳон от селекциясининг олтин фондига киритилган.

Қорабайир генофондининг софлигини сақлаш, тиклаш, урчишиб кўпайтириш, селекция-наслчилик ишларини тизимли олиб боришни ташкил қилиш ҳисобидан зотни такомиллиштириш, республикада Қорабайир от зоти бўйича давлат наслчилик китобини (ДНК) тиклаш ҳамда юритиш, ушбу зот отларини генетик жиҳатдан таҳлил қилиш давр талабидир.

Миллий от паспорти спорт, насли ва хизмат отларига от эгасининг хоҳишига кўра берилди ҳамда юқорида таъкидланганидек, эпизоотик барқарорликни назорат қилиш мақсадида насли ва спорт отларини аукционларда, кўргазмаларда, миллий ва классик от спорти ўйинларида, спорт мусобақаларида иштирок этиши, отлардан хизмат отлари сифатида фойдаланиш ушбу ҳужжат мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади. Шунингдек, отчопарлар, от спорти клублари ва мактаблари қарамоғидаги отлар ҳам от паспорти билан таъминланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 мартдаги 214-сон қарори билан “Насли ва спорт отларига от паспортини бериш тартиби тўғрисида низом” тасдиқланган бўлиб, унга кўра, от паспорти насли ва спорт отлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириб бориш ва насли отларнинг Давлат наслчилик китобини (ДНК) юритиш Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси томонидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, от паспорти халқаро миқёсда ўтказиладиган спорт ўйинларида (Халқаро мусобақа ва Олимпия ўйинларида) қатнашадиган спорт отларига Халқаро от спорти федерациясининг (FEI) паспортини олиш мақсадида берилди.

От паспорти от эгаси (қаровчиси)да сақланади ва от сотилган пайтда янги эгасига федерация томонидан қайта рўйхатдан ўтказиб берилди ва у ҳар доим от билан бирга бўлиши, даҳлдор бўлган назорат ва бошқарув органлари, шунингдек зооветеринария

ҳамда санитария-гигиена сўрови пайтида тақдим этилиши кўзда тутилган.

От паспортига от тўғрисидаги маълумотлар (лақаби, туғилган жойи ва санаси, зоти, туси, микро-чип рақами ва бошқалар), отнинг график кўриниши, от танасидаги белгилар ва уларнинг ёзма ифодаланиши, от эгасининг яшаш жойи ва отхона жойлашган ҳудуд, от тавсифи, отни юқумли касалликларга қарши эмлаш (вакцинация қилиш) тадбирлари, лаборатория ва диагностик текширишлар натижалари, синовлар ва спорт ютуқлари, кўргазмаларда чиқишлари, отни келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотлар киритилиб борилади ҳамда идентификация рақами кўрсатилади.

От паспортини от эгасига бериш вақтида Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерациясида юритиладиган махсус реестр китобига тегишли ёзув киритилган ҳолда рўйхатга олинади ва электрон шаклда расмий веб-сайтга жойлаштирилади.

Хизмат отларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг мурожаатларига кўра, ушбу ҳужжат хизмат отларига ҳам ушбу низом қоидаларига асосан берилди.

От паспортига отларни юқумли касалликларга қарши эмлаш (вакцинация қилиш) тадбирларини ўтказилганлиги, лаборатория ва диагностик текширувлари натижалари тўғрисидаги тегишли ёзувлар хўжалик (ташкилот) ветеринария врачлари томонидан киритилади ҳамда унинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади.

От паспортига эга бўлган отлар мажбурий сўйилса ёки бошқа сабаблар оқибатида нобуд бўлган тақдирда, от эгаси томонидан 1 иш кунда ушбу ҳужжат федерацияга қайтарилиб, федерация архивига топширилади ва ушбу от маълумотлар базасидан чиқарилади.

От паспорти берилган отлар белгиланган тартиб асосида чет давлатга экспорт қилинганда, ушбу ҳужжат отнинг ўзи билан бериб юборилади ва у федерация маълумотлар базаси ҳисобидан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳам Россия, Белорусь, Украина каби бир қатор мустақил ҳамдўстлик давлатлари (МДХ) орасида биринчилардан бўлиб халқаро талаблар даражасида ишлаб чиқилган миллий от паспортининг намунасига эга бўлди ва 2019 йил 18 сентябрь кунда Халқаро от спорт федерацияси (FEI) томонидан рўйхатдан ўтказилди.

Акмал Акрамович Тошов,
Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси раисининг йилқичиликни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари,

Иноят Исмоилович Ҳафизов,
қ.х.ф.н., федерациянинг “Наслчилик ишларини ривожлантириш” бўлими бошлиғи.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК – БЕКИЁС ИМКОНИАТЛАР ДЕМАК

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг бир гуруҳ мутахассислари мамлакатимиз чорвачилик тизимига араб инвестициялари ва илгор технологияларини жалб этишни кўзлаган ҳолда Саудия Арабистонида хизмат сафарига бўлишди.

Дастлаб мазкур мамлакатнинг Экология, сувлар ва қишлоқ хўжалик вазирлигида ўзбекистонлик мутахассислар билан учрашув ва ҳар икки томонни қизиқтирган йўналишлар бўйича тақдимотлар ўтказилди.

Маълумотларга кўра, Саудия Арабистонида 2030 йилгача балиқчилик соҳасини ривожлантиришга мўлжалланган дастур қабул қилинган ва шу мақсадларни амалга ошириш учун давлат ғазнасидан 1,3 млрд. саудия реали (350 млн. АҚШ доллари) ажратилиши белгиланган.

Ҳозирда Саудия Арабистонида асосан денгиз лещ балиғи (*Sparus aurata*), тилапия (*Oreochromis niloticus*), оқ криветка (*Litopenaeus vannamei*), денгиз окунь балиғи (*Lates calcarifer*), кумуш кракер (*Argyrosomus regius*) етиштирилади. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур давлатда қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришга катта эътибор қаратилган ҳамда чикиндилардан ва ҳашоратлардан озика ем ишлаб чиқариш орқали балиқчилик ривожлантирилмоқда, майда шоҳли чорвани кўпайтиришга эришилмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, Саудия Арабистони ҳар йили 20 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги мол гўштини Австралия ва Янги Зеландиядан импорт қилади. Саудиялик экспертлар ушбу мамлакатлардан гўшт маҳсулотини олиб келиш узок вақт (хаво транспортида 14 соатдан ортиқ) талаб қилишини инобатга олган ҳолда, яқин Осиё мамлакатлари, хусусан Ўзбекистон билан чорвачилик соҳаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва Ўзбекистон ҳудудида балиқ етиштириш ва чорвачиликнинг бошқа турларини ривожлантиришга инвестиция киритиш орқали Саудия Арабистонига арзон ва сифатли маҳсулот импорт қилишни ташкил қилиш устувор масала ҳисобланишини таъкидлашди.



Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси делегацияси томонидан Ўзбекистонда балиқчилик соҳасини ривожлантириш учун қабул қилинган қарорлар, тадбиркорлар учун яратилган имкониятлар ва балиқ етиштиришнинг устувор йўналишлари юзасидан тақдимот ўтказилди. Саудиялик мутахассислару инвесторларга Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун яратилган қулайликлар, давлат томонидан бериладиган имтиёз ва преференциялар юзасидан алоҳида маълумотлар тақдим этилди. Саудия Арабистони Балиқчиликни ривожлантириш миллий дастури бош директори Али Мохаммед Ал Шаихи (Ali Mohammed Al Shaikhi) бошчилигидаги мутахассислар Ўзбекистонда балиқ маҳсулотларини етиштириш, ички ва ташқи бозорга сотиш имкониятлари билан қизиқдилар. Яқин келажакда мазкур йўналишдаги илмий-амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида Саудия Арабистони балиқчилик тармоғи вакилларининг Ўзбекистонга ташрифини ташкил қилиш долзарб эканлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси Ахборот хизмати

САМООТВЕРЖЕННЫЙ ТРУД ВО БЛАГО УЗБЕКИСТАНА

В своем поздравлении участникам мероприятия, посвященного 80-летию проживания корейцев в Узбекистане (2017 год), Президент Шавкат Мирзиёев отметил, что «корейская диаспора является неотъемлемой частью многонационального народа Узбекистана». Президент выразил благодарность представителям корейской диаспоры за самоотверженный и добросовестный труд на благо нашего общего дома – родного Узбекистана.

«В тридцатых годах прошлого столетия – нелегкое время, полное невзгод и лишений, – гонимые суровой политической системой десятки тысяч корейцев с Дальнего Востока оказались на узбекской земле. Народ Узбекистана с присущими ему благородством и душевной щедростью принял искреннее участие в судьбе оказавшихся здесь корейцев, обогрел и приютил их на своей земле», – говорится в приветствии Президента участникам мероприятия.

Благодаря своему трудолюбию, жизненной стойкости, сплоченности и дисциплинированности, любви к земле, а также схожести менталитета и культуры корейцы обрели здесь свою вторую Родину, стали ее достойными сыновьями и дочерьми, равноправными и уважаемыми гражданами многонационального Узбекистана.

По официальным данным, в настоящее время в республике проживает предположительно 200 - 210 тысяч корейцев. Корейская община Узбекистана - наиболее крупная в странах СНГ. В России насчитывается 140 тысяч, Казахстана - 100 тысяч, Киргизии - 20 тысяч, Украине - 15 тысяч корейцев.

Многие из корейцев владеют узбекским языком, хорошо знают нашу культуру, и это воспринимается как проявление большого уважения к узбекскому народу.

Корейцы внесли определенный вклад в народное хозяйство, науку и культуру Узбекистана. Не меньший вклад представители корейской диаспоры внесли и в дело становления и развития животноводства республики, в той ее части как ветеринарная практика и наука.

Редакция журнала «Veterinariya meditsinasi» сегодня на своих страницах рассказывает о ветеринарных специалистах-корейцах, работавших в разное время в республике, их заслугах перед государством.



Ким Виктор Петрович после окончания в 1981 году ветеринарного факультета Самаркандского сельскохозяйственного института и срочной службы в рядах вооруженных сил поступил на работу в Берунийскую бройлерную птицефабрику и прошел путь от бригадира, ветеринарного врача и

главного ветеринарного врача, где с небольшим перерывом проработал 10 лет.

С 1993 года работает в Берунийском районе ветеринарном отделе (отдел ветеринарии и развития животноводства), Республики Каракалпакстан. В разное время был ветврачом-терапевтом, ветврачом-эпизоотологом. Сейчас работает на должности специалиста по защите здоровья животных, диагностики и безопасности продовольствия. Внес большой вклад в профилактику и ликвидацию особо опасных болезней животных и птиц, в том числе и зооантропонозов.



Пак Тамара Михайловна после окончания в 1983 году ветеринарного факультета Самаркандского сельскохозяйственного института до 1998 года работала в ветеринарном отделе Зааминского района – ветеринарным врачом. Работала в лаборатории ветсанэкспертизы

Зааминского района Джизакской области. С 1998 года до 2017 – заведующей лабораторией ветеринарно-санитарной экспертизы. С 2017 года до февраля 2019 (кончины) – заведующей отделом Зааминской районной ветеринарно-санитарной экспертизы Государственного центра диагностики болезней животных и безопасности пищевых продуктов.



Хегай Тимур Юнамович после окончания в 1975 году ветеринарного факультета Ленинградского зооветеринарного института работал в хозяйствах Сырдарьинской области. С 1977 и до выхода на пенсию (более 30 лет) работал заведующим бактериологическим отделом Сырдарьинской областной ветеринарной лаборатории. Принимал активное участие в профилактике и ликвидации инфекционных заболеваний животных, в том числе особо опасных.



Ким Татьяна Николаевна после окончания в 1988 году Омского государственного ветеринарного института работала в Ургенчском районном и городском ветеринарном отделах, заведовала лабораторией Ургенчской птицефабрики.

С переездом в Сырдарьин-

скую область работала заведующей лабораторией Гулистанской птицефабрики, ветврачом платного зооветеринарного участка. В настоящее время является ведущим специалистом в Сырдарьинском областном управлении ветеринарии и развития животноводства.



Ли Геннадий Алексеевич после окончания в 1972 году Макушинского зооветеринарного техникума трудовую деятельность начал ветеринарным фельдшером в Гулистанской ветеринарной станции по борьбе с болезнями животных. С 1986 по 1992 годы работал эпизоотологом. В 1995 – 2000 годы возглавлял службу по отлову бродячих животных, в 2000 – 2008 – заведующим ветеринарным участком, с 2008 года заведует лабораторией ветеринарно-санитарной экспертизы.



Тен Руслан Моисеевич после окончания в 1976 году Омского государственного ветеринарного института работал заведующим ветеринарным участком станции по борьбе с болезнями животных Уртачирчикского района Ташкентской области. В 1982 -1990 годах работал начальником Республиканской экспедиции по борьбе с заболеваниями животных бруцеллезом и туберкулезом Главного управления ветеринарии МСХ Уз.ССР. В 1994 году был переведен в аппарат Главного Государственного управления ветеринарии МСВХ Республики Узбекистан на должность начальника отдела эпизоотологии, заместителем начальника Главки, где проработал до 2004 года.

С 2005 – 2008 годы работал в Центре профилактики карантинных и особо опасных инфекций Министерства здравоохранения Р.Уз. зоологом- паразитологом, эпизоотологом, в 2008-2012 годы - врачом бактериологом в дорожной противочумной станции АО «Узбекистан темир йуллари».

С 2009 года работает в ООО СП «Узбикокомбинат» директором по НИР.

Принимал участие в разработке и реализации Закона Республики Узбекистан «О ветеринарии», постановлений и распоряжений правительства по вопросам ветеринарии и здравоохранения, системы мер по борьбе с бруцеллезом и туберкулезом животных в республике, а также в подготовке и подписании ряда межгосударственных соглашений в области ветеринарии.

Неоднократно участвовал в ликвидации очагов сибирской язвы, чумы верблюдов (человека) и других особо опасных инфекционных заболеваний.



Ан Михаил Юрьевич.

В 1989 году окончил Омский государственный ветеринарный институт.

С 1990 по 2007 годы работал в Ташкентском городском управлении ветеринарии – начальником ветеринарного отдела Бектемирского района.



Ким Людмила Юрьевна – в 1981 году окончила ветеринарный факультет Саратовского зооветеринарного института.

С 1983 года работала на птицефабрике «Узбекистан»- эпизоотологом и главным ветврачом.


С 1996 года и по настоящее время работает в городском ветеринарном управлении города Ташкента, заведующей лабораторией ветсанэкспертизы микробиологии и безопасности продовольствия.



Ким Ирина Юрьевна – в 1983 году окончила ветеринарный факультет Саратовского зооветеринарного института

С 1989 года работает в городском ветеринарном управлении города Ташкента, заведующей лабораторией ветсанэкспертизы микробиологии и безопасности

продовольствия.



Ким Жанна Федоровна – после окончания в 1981 году ветеринарного факультета Ленинградского зооветеринарного института работала в системе «Узптицепрома».

В период с 1983 по 2015 годы работала в городском ветеринарном управлении города Ташкента, заведующей лабораторией ветсанэкспертизы микробиологии и безопасности продовольствия.



Те Лариса Бониковна – после окончания в 1981 году ветеринарного факультета Ленинградского зооветеринарного института работала в системе «Узптицепрома».


С 1983 по 2018 годы работала в городском ветеринарном управлении города Ташкента, заведующей лабораторией ветсанэкспертизы микробиологии и безопасности продовольствия.



Кан Валентина Владимировна

В 1989 году окончила Омский государственный ветеринарный институт.

С 1990- 2017 года работала в городском ветеринарном управлении города Ташкента, заведующей лабораторией ветсанэкспертизы.



Тигай Мара Васильевна после окончания в 1987 году Казанского ветеринарного института работала ветеринарным врачом лаборатории ветсанэкспертизы на рынках «Аския» Яккасарайского, «Алайский» Юнусабадского районов. В настоящее время трудится

на рынке «Сергели» Сергелийского района г. Ташкента заведующей лабораторией ветсанэкспертизы.



Нам Римма Николаевна в 1983 году закончила ветеринарный факультет Ленинградского зооветеринарного института. По распределению поступила на работу в объединение «Узпчелпром» ветеринарным врачом. В 1984 – 1988 годы работала в Республиканской ветеринарной лаборатории МСХ УзССР. С 1988 по 1990 – работала ветеринарным врачом «Узбекбрюшу», а с 1990 до 2001 – ветврачом в объединении «Узбекмед».

В 2001 – организовала частную ветеринарную клинику ООО «Доктор вет» где по настоящее время работает на должности директора и практикующего ветврача.



Ли Евгений Геннадьевич после окончания в 2002 году ветеринарного факультета Самаркандского сельскохозяйственного института, в течение 3 лет работал младшим научным сотрудником в институте «Зоологии и паразитологии» АН Р.Уз. С 2005 года работал в районной Бектемирской ветеринарной лечебнице,

на должности ветеринарного врача – эпизоотолога, с 2007 года – начальника ветеринарного отдела. С 2009 по 2018 – работал в частных ветеринарных клиниках Ташкента и Москвы. В мае 2019 года открыл свою частную ветеринарную клинику «LigaVet».



Тен Аркадий Русланович после окончания в 2002 году ветеринарного факультета Самаркандского сельскохозяйственного института, работал заведующим ветеринарным участком, затем ветврачом – эпизоотологом вете-

ринарного отдела Мирзо-Улугбекского района. В 2006-2007 гг работал в СП «Ветмедикал», заведующим ветеринарным участком в Сергелийском ветотделе. С декабря 2007 года по настоящее время работает в ООО «Vet drug» – директором.



Ким Артур Анатольевич, в 1993 году закончил ветеринарный факультет Горьковского сельскохозяйственного института. В 1993-1995 годы работал ветврачом в совхозе им. «Алишера Навои», Ахангаранского района. С 1995 по 1997 – ветврачом в Ахангаранской районной ветеринарной станции, а с 1997 г. – главным ветеринарным врачом на МТФ Алмалыкского горно-металлургического комбината.



Тен Евгений Моисеевич после окончания Омского государственного ветеринарного института с 1983-1986 в САО ВНИИОЗ (Среднеазиатское отделение Всесоюзного научно-исследовательского института охотничьего хозяйства и звероводства) младшим научным сотрудником. С 1987 по 2001 годы работал главным ветеринарным врачом племзавода «Политотдел», Верхнечирчикского района. В 2001-2012 – менеджер по животноводству ф/х «Махмудбек», а с 2012 год работает в ООО «Агробиотик», Ташкентской области. Проходил стажировку в Израиле.



Югай Алла Петровна с 1976 года по 2004 – до ухода на пенсию работала заведующей паразитологическим отделом Хорезмской областной ветеринарной лаборатории. Внесла значительный вклад в деле борьбы с инвазионными болезнями животных в области.



Цой Василий Александрович после окончания в 1978 году Омского государственного ветеринарного института и службы в рядах вооруженных сил с 1980 года работал на разных должностях в Ханкинской районной ветеринарной станции по борьбе с болезнями животных Хорезмской области. С 1999 по 2014 год до выхода на пенсию заведовал диагностическим кабинетом при Ханкинском ветеринарном отделе.

Не уставать вам, друзья!

В.Рудакова

МЕҲНАТДА УЛҒАЙГАН ОДАМЛАР

Фаргона вилояти. Бешариқ ўз номига мос ва хос туман. Бу худудда сув ҳавзалари кўп, балиқчилик ҳақида сўз очилса, соатлаб сизни зериктирмасдан сўзлайдиган кишилар кўп. Бундан ташқари туманнинг турли жойларида етиштирилган балиқни маҳорат билан пишириб берадиган, ширин сўзи билан сизни яна чойхонасию ошхонасига келишга ундайдиган тадбиркорлар ҳам Бешариқда оз эмас. Улар балиқ етиштиришда қандай ном қозонган бўлса, худди шундай пазандаликда ҳам тилга тушган. Шу боис Қўқонга келган киши озгина вақти бўлса бас, Бешариққа борайлик, балиқхўрлик қилайлик, дейди. Ана шундай танги ва хушчақчақ одамлар яшайдиган туманда кейинги йилларда балиқчилик қатори чорвачиликнинг бошқа тармоқлари ҳам ривож топаёпти. Ҳар жума “Чорвадорлар куни” муносабати билан фермерлару чорвадорлар билан суҳбатлашиб, ветеринария ходимларининг дарду-ташвишидан бохабар бўлиб ўзгаришлар катта эканлигига ўзингиз гувоҳ бўласиз. Яқинда вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда кўплаб ветеринария ходимлари билан учрашдик. Сўнг вилоятда тилга



тушган тажрибали мутахассислардан бири “Рапқон” ветучастка мудир Тўлқин Қурбонов фаолияти билан танишдик. У 33 йилдики, ўз касбини ардоқлаб келаяпти. Аслида ветеринарияга қизиқиш унга бобосидан юққан, сўнг бундан 45 йиллар илгари Қурбоновлар ҳовлисидаги қорамолларни боқиш, қўй-қўзилар ҳолидан бохабарлик ҳам ёш Тўлқинбойнинг юрагида умид ўйотган. Бу умид қизиқувчан йигитни Олмаота шаҳрига йўлади ва у тез орада Олмаота зооветеринария институтининг талабасига айланди. Яна бир гапни такрор ва такрор айтмасак бўлмас. Тўлқинбой Қурбонов талабалик олтин давр эканлигини ўз вақтида чуқур англади, китобга меҳр қўйди, баъзилар кинотеатрларнинг қоронғи жойларини кўзлаб, қизларнинг пинжиги кириб кетишга интилиб, талабаликни кайфу сафодан иборат, дея шу орқали осмонларгу учган бўлса, қаҳрамонимиз хузурни чорвани даволашдан топди, билмаганини тажрибали мутахассислардан ўрганди ҳам.

Гўнган, касалликка учраган молдан жирканмай, жониворнинг дардини ҳис қилган, дори-дармонларни ўз вақтида ва меъёрида қўллай олган кишини одамлар бошига кўтаради, - дейди ветврачлар устози. - Қўлимга илк бор шприц бериб укол қилишни буюрган, касалликдан мажбурий сўйилган молнинг аъзоларини бирма-бир нимталаб кўрсатган устозим ҳамон ёдимда. Улар-

дан умрбод миннатдорман ва шу касбни танлаганим учун Оллоҳга шуқр.

Тўлқинбой аканинг ўғиллари Шуҳрат Норматов ҳозир вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармасида бўлим бошлиғи, жамоа орасида хурмати бор. Чунки у ҳам отаси каби камтарин йигит, устозларнинг хурматини жойига қўяди. Лаббай, деган сўз оғзидан тушмайди. Камтарга камол дегани шу шекиллида, дейишади Шуҳратжон ҳақида гап кетса ҳамкасблар.

Бугун Тўлқин Қурбоновнинг хизмати Рапқондагина эмас, балки Бешариқ туманида ҳам роса тилга тушган. Чунки кўпчилик ветврачлар Тўлқинбой акадан маслаҳат сўрашади, дори-дармон масаласида ҳам уларга устоз, кўмакчи. Чунки Қурбоновларнинг ветеринария дорихонаси шундоққина катта йўлнинг бўйида жойлашган. Дорихонада барча ишларни ветврачлар оиласининг маликаси - янгамиз бажаради. Бу ерда дори-дармон қатори, ветеринария хизмати кўрсатиш учун керакли асбоб-ускуналар ҳам мавжуд. Бундан ташқари ветеринария бўйича энг сўнгги янгиликлар ҳам шу ердан тарқайди. Чунки ветеринария дорихонаси мутахассислари фақат савдо хизмати билан эмас, қишлоқ аҳлига чорвани парваришлаш, уни касалликлардан асраш бўйича маслаҳат, йўл-йўриқ ҳам беришяпти. Шу сабабли Қурбоновлар том маънода эл назарида, одамлар эъзозиди. Айни киши чилласида Тўлқинбой аканинг димоғи чоғ. У ўнлаб рапқонлик ёшларнинг ветврач бўлиш ниятида астойдил тайёргарлик кўраётганидан, СамВМИга кираман, дея репетиторга қатнаётганидан хурсанд.

-Шогирдлар кўпайса, улар билимдонлик билан элнинг хизматини қилса, бунинг савоби бизга ҳам тегадида, -деди қаҳрамонимиз.- Қолаверса Президентимиз соҳамизни қўллаб-қувватлаб турсалар эртанги кунимиз янада фаровон бўлади.

Фаргона шаҳридан унча узоқ бўлмаган Заркент қишлоғида Одилжон Ҳамидовнинг фермаси жойлашган. Бу ерда зотдор қорамоллар, туялар боқилмоқда. Яна мулкдорнинг энг сара мевали дарахтларга тўла боғию унча катта бўлмаган ҳовузи, ҳовузида балиқлари бор. Агар Одилжон ака Заркентда биринчилардан бўлиб омухта ем сотиш дўкони, ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этганини, савдо шохобчалари орқали эл хизматига астойдил киришиб кетганини айтсак, бу одамнинг ҳатто биров билан гаплашишга вақти ҳам йўқ экан-да дерсиз. Ундай эмас, Одилжон ака дилкаш инсон, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп кўрган, муҳими юрагида фирромлик йўқ. Дунё





янгиликларини теран англайдиган, мулоҳазали кишини учратиб колса бас, ҳамсухбат бўлишга интилади. Унинг синфдоши саналмиш ва Заркентдаги ховлисига нақ беш метрлик чойнак-пиёла ўрнатиб ҳашаматли иморатлар қурган ва айни пайтда Россияда яшаётган тадбиркор акалар ҳам Ҳамидовнинг ғайратига ҳавас қилишади, унинг 40 бош ортиқ туяларни парвариш қилаётганини, туя сути орқали бир неча йил ичида юзлаб одамларни ўлим чангалидан олиб қолганини интернет орқали кузатиб қойил қолишган. Одилжон аканинг барча қулайликларга эга бўлган меҳмонхона қургани, миллий таомлари билан тилга тушган рестораннинг эгасига айлангани ҳам бу инсондаги шижоат чегара билмаслигини кўрсатади. Ўғиллару набиралар доимо бобонинг ёнида, унга кўмакдош. Катта оилаларнинг тўкинлиги, рўзгорнинг ободлиги меҳнат ва яна меҳнат туфайли.

– Агар кишлоқда яшаётган ҳар бир киши оиласининг эҳтиёжи учун зарур бўладиган сут ва гўшти ўзи етиштиришни эпласа, ана шу мақсадда ўн бош қорамолу кўй- эчки, парранда боқишга киришса, фарзандларини меҳнат қилишга ўргата олса, ҳар бир одамнинг жамиятимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси янада аниқ кўзга ташланади, - дейди Одилжон бобо. - Буни дастлаб олти сотихлик томорқада иссиқхона ташкил этиш, турли нозу неъматлар етиштириб сотиш орқали дастлабки капитални топиш билан рўёбга чиқарса бўлади. Чунки бу жараён бошимдан ўтган, дастлаб менда ҳам ҳеч вақо йўқ эди. Ҳаммасига ақлни ишлатиш, ҳаловатдан кечиш орқали эришганман.

Самарқанд вилояти. Ўтган йил Нарпай туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими ҳамда ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказининг янги бинолари фойдаланишга топширилган ва бу хайрли иш учун давлат ҳисобидан қарийиб уч юз миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган эди. Ўшанда ташхис марказ директори Суннат Шукуров, тажрибали мутахассислар Абдулазиз Абдурахмонов, Ўткир Қулинов, Зебо Йўлдошева, Дилфуза Ҳасанова, Исахон Абдуллаевларни янги бинога кўчганлари билан табриклаган эдик. Ўз навбатида нарпайлик ветврачлар Президентимиз томонидан ветерина-



рия тизимига катта эътибор берилётгани мамнуният билан эътироф этишган, бу ҳурматга ўз меҳнатлари билан муносиб жавоб беражакларини баён этишган эди. Ўтган йил иштихонлик ветеринария фидойилари учун ҳам қувончли бўлди. Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимининг биноси таъмирдан чиқарилди, ташхис маркази янги бинога кўчиб ўтди. Айни чоғда марка мутахассислари янги ниётлар билан меҳнат қилишмоқда.

– Очиғи, таъмирдан сўнг ишхонамизга ўзгача бир файз кирди, - дейди Иштихон туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Тўлқин Турдибоев. – Бундан ташқари вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошилиғи Элмурод Тошмуродовнинг ташаббуси билан ҳар бир зоо-

ветпункт мудирини “устозшоғирд” тамойилига кўра, маҳалладаги мактаб ва боғчаларда турли мавзуларда суҳбатлар ташкил этаяпти. Эпизотик тадбирларни намунали ташкил этиш учун маҳалла билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Агар маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, туманимиздаги 37 та зооветчисткадаги барча мутахассислар 62 нафар маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан узвий алоқа ўрнатган. Кимнинг моли касал, қайси фуқаро молини ё кўй-эчкисини қаерда боқиб, қандай даволатмоқда, гўшт тайёрлаш, уни сотиш борасида қонун талаби бузилмаяптими, барчаси назоратимизда. Айниқса кишлоқ фаоллари, молбозорлар раҳбарлари билан ҳамкорлигимиз яхши самара бермоқда. Бундан ташқари барча мутахассисларимиз 4 та ортада бириккан ҳолда эмлаш ишларини намунали ташкил этишга ҳаракат қилмоқда.

– Олти йилдирки, ташхис марказига раҳбарлик қиляпман ва янги бинога кўчиш очиғи, бундан бир неча йил илгари ҳаёлимизда ҳам йўқ эди, - дейди Худойберди Жўраев. - Аслида ташхис маркази ветеринариянинг юрағи, бу иш чуқурроқ таҳлил қилсангиз гоётада мураккаб. Айниқса дунёда озиқ- овқат хавфсизлиги муаммоси кўпчиликни, ҳатто давлат раҳбарларини ҳам ўйлантириб турган маҳал. Мамлакатнинг экспорт салоҳияти, аҳолининг саломатлиги ҳам бир жиҳатдан мана шу тизимнинг нечоғлик такомиллашганига боғлиқ. Қурилиш ишларига 386 миллион сўм сарфланди ва биз қарийиб ярим гектар



атрофидаги ишхонамиз ҳовлисини гулзорга айлантиришни кўзлаб турибмиз. Ер текислаш, дарахт ниҳолларини экишни ҳаво илий бошлагач, тезда бошлаб юборамиз. Ахир асосий вақтимиз шу ерда, ташхис марказида ўтади. Бу ернинг ободлиги ишчанликни таъминлайди.

Худойберди Жўраевнинг таъкидлашича, Гулбаҳор Хайитова, Равшан Аҳмедов, Комил Сайдуллаев, Учқун Раҳматов, Сайёра Нарзиева сингари мутахассислар ўз касбининг устаси, шогирдларига меҳрибон, амалиётга келган талабаларни билимдон бўлишига ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда.

-Ёш мутахассис иш жараёнида, ташхис марказидаги таҳлиллар асносида пишади, маҳоратини оширади. Касалликнинг келиб чиқиши, этиологиясини пухта билган талаба эртага, ишлаб чиқаришда адашмайди ҳам, - дейди Худойберди Жўраев. - Биз аҳил жамоа бўлиб ишхонамизни ҳақиқий тажриба мактабига айлантиришни кўзлаяпмиз. Янги бинога мос равишда Иштихонга ҳам энг замонавий ветеринария ас-



боб-ускуналарининг кириб келишини сабрсизлик билан кутаяпмиз. Чунки мавжуд ускуналарни ишлатса бўлади, аммо “зўри”дан бўлса яна яхши-да. Бу борада қўмитамиз раҳбарларининг қўмағига мухтожмиз.

Ташхис марказ раҳбари туман марказий бозорида жойлашган ВСЭЛ фаолияти билан таништирди. Буни қарангки, ВСЭЛ мудир Сайдулла Норбеков нашримизнинг илмий муаллифларидан экан. Ҳорманг, дедик. Сайдулла Норбековни ҳамкасблари Зафар Шарипов ва Шокиржон Хайитовлар билан иш жараёнида расмга олдик.

-Агар дангасаликни кува олсангиз ҳаммасига улгурса бўлади, - дейди Сайдулла Норбеков. - СамВМИда дарс бераяпман, илмий изланишлар олиб бораяпман. Бу ерда эса кўриб турганингиздек, ВСЭЛ мудириман.

- Қойил, демек сиз баъзи кишиларга ўхшаб илмий мақолани русча китоблардан кўчириб ё қайсидир манбадан ўғирлаб олмас экансиз-да, дедик.

У қулди.

- Ўқиб, ўрганишни замоннинг ўзи талаб қияпти. Ҳар гал талабаларга дарс беришга жиддий тайёргарлик

кўраман, янги илмий адабиётларни, соҳага оид журналларни ўқийман ва англайманки, ҳали кўп нарса билишим зарур. Илмий иш қилишга ҳам худди шу эҳтиёж мени мажбур қилди. Баъзи шогирдларим домла ҳаммасига қандай улгурасиз, чарчаб қолмайсизми, дейишади. Нега энди, қилаётган ишимга меҳрим тушган, шундан завқланаман, завқланган одам эса асло чарчамайди, дейман. Қолаверса Президентимиз олий таълим тизимидаги ўқитувчилар манфаатдорлигини сезиларли даражада оширдилар. Бу ҳам мени буткул ҳаракатчан қилиб қўйди.



Иштихонда шу куни яна бир ҳаракатчан киши билан танишдик. Ғайрат Тоиров, фермер, илгари юз гектардан ортиқ майдонда пахта ва ғаллачилик билан шуғулланган, сўнг 600 миллион сўм пул сарфлаб кушхона қурибди. Қишлоқнинг ўзига ўхшаган ғайратли йигитқизларини ишга олиб, кушхонасининг биқинида ошхона ҳам очиб қўйган. Бу ҳам мулкдорга мўмайгина даромад



келтирмоқда. Ўтган йил фермер хориждан 60 бош зотдор қорамоллар келтириб улар учун алоҳида ферма қурди. Айни чоғда 100 бош қорамолу минг бошдан ортиқ паррандалар парвариш қилинаётган ферманинг “иссиқ-совуғи”га фермернинг маликаси Дилдорахон ва укаси Ҳаётбек Тоировлар жавобгар. Улар билан суҳбатлашиб билдикки, чорвага қўл урган ва фойда кўришни кўзлаган одам ветврачга йўлдош бўлиши керак. Ветеринария соҳасидан беҳабар кишининг жониворлари эса семирмайди. Шу боис мулк эгалари хавфли касалликларга қарши қандай янгиликлар борлигини биздан ҳам сўрашди. Журналимизни ўқинг, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг сайтига кириш, ана шунда энг ҳолис ва жўяли маълумотларга, тавсияларга эга бўласиз, дедик. Хайрлашар чоғ танлаган касбини ардоқлаб эл хизматида юрган, ветеринариянинг обрў-эътиборини кўтаришга астойдил бел боғлаган фидойи кишиларга омадлар тиладик, янги йилда ютуқларингиз кўпаяверсин, дедик.

Набижон Эргашев

(Давоми. Боши 2019 йил 11-сонда)

УДК 619.616.61724.8.559.59

Гулмурод Мамадуллаев, вет.фан. докт., к.и.х.*,
Г.Раҳмонбердиев, профессор**,
А.Ш.Хусенов**, К.С.Ибрагимов**,
Ветеринария илмий-тадқиқот институти*,
Тошкент Кимё технология институти**

“ТУБАЗИД-ИНУЛИН” ПРЕПАРАТИНИНГ ТУБЕРКУЛЁЗ МИКОБАКТЕРИЯЛАРИ ҚЎЗГАТУВЧИЛАРИГА IN VITRO ТАЪСИРИ

Аннотация

В статье приводятся результаты лабораторных *in vitro* испытаний эффективности нового противотуберкулёзного препарата “Тубазид-инулин” против микобактерий туберкулёза бычьего и человеческих видов. По результатам исследований препарат “Тубазид-инулин” оказал положительное действие против возбудителей патогенных штаммов микобактерий.

Ключевые слова: микобактерия, туберкулёз, *M.tuberculosis*, “Тубазид-инулин” бактериология, антимикроб, штамм, патогенность, туберкулоцид, туберкулоцид, посредственный и непосредственный метод.

Назоратдаги туберкулёз штамлари қизил алвон ранга бўялди. Таёқча морфологиясида полиморфизм яққол ифодаланган. Микроскоп остида узун ва калта йўғон, ингичка текис учли ва айримлари йўғонлашган бактерия таёқчалари аниқланди. Баъзан кўриш майдончаларида кокксимон шакллари ҳам учрайди, баъзи хужайралар таркибида гранулалари фодаланган.

“Тубазид-инулин” препаратининг билвосита услубда *in vitro* синовларини ўтказиш учун препаратнинг 5,0 мкг/мл ва 10,0 мкг/мл эритмалари дистилланган сувда стерил шароитда боксда тайёрлаб олинди ва Гельберг озика муҳитига қўшилди. Препарат қўшилган озика муҳитига бокс шароитида штаммлар экилди. Олинган натижалар 3-чи жадвалда келтирилди. Назорат сифатида *M.bovis* 8-03 ва *M.tuberculosis* №7880 штаммлари препарат қўшилмаган Левенштейн-Йенсен озика муҳитига экилди. Ҳар ҳафтада бир марта экилган пробиркалар тафтиш қилиб борилди ва идиш тубидаги конденсион суюқлик билан озика муҳити юзаси намлантирилиб турилди. Кузатувлар 90 кун давом этди.

2-жадвалдан кўриниб турибдики, ҳар икки препарат концентрациясида озика муҳитида туберкулёз колониялари ўсмади.

Назорат сифатида препарат қўшилмасдан туберкулёз қўзгатувчилари экилган пробиркаларда экилгандан сўнг 18-24 кун ўтгач, майда шудрингсимон шаклда жадал ўсиб чиқди. Қўзгатувчилар колониялари озика муҳити юзасида дона-дона ёки бир-бирига қўшилиб кетган, шу-

Summary

The article presents *in vitro* laboratory results of the new antituberculosis drug tubazid-inulin effectiveness against mycobacterium tuberculosis of bovine and human species. According to the research results, the drug had an effective performance against pathogens of pathogenic mycobacterial strains.

дрингсимон шаклда, фил суяги рангида пигментланган R-колониялар ҳосил қилди.

Шундай қилиб, дастлабки тажрибалар натижаларига кўра “тубазид-инулин” препарати бактериологик бевосита ва билвосита усулларда вирулент туберкулёз микобактерияларига нисбатан самарали бактерицид ва бактериостатик фаоллик кўрсата олди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рекомендация по лабораторной диагностике туберкулёза. Омск, 1988. 64 с.
2. Романенко В.Ф. Генетическая обусловленность адаптивной изменчивости микобактерии туберкулёза // Ветеринария №12 2006.С. 23-25.
3. Туберкулез: определение лекарственной устойчивости к основным противотуберкулезным препаратам //Пробл. туберкулеза», 2008, № 4, с. 38.
4. “Хайвонлар туберкулёзининг диагностикаси” бўйича Йўриқнома/ Республика Давлат ветеринария Бош бошқармаси томонидан 2011 йил 13 сентябрда Тасдиқланган, Мажлис баёни № 40. Тошкент 2011 й.
5. Финкель Е.А., Михайлова Л.В. Биологический метод исследований при туберкулезе. – «Кыргызстан» Фрунзе, 1976. С. 118-149.
6. Яценко Т.Н., Мечева И.С. Руководство по лабораторным исследованиям при туберкулезе. – М.: Медицина, 1973. С. 53-77.
7. Agerton T., Val way S.E., Blink horn R.J. et al. Spread of strain W, a highly drug-resistant strain of Mycobacterium tuberculosis, across the United States. Clin. Infect. Dis. 1999, 29:85-92.

2-жадвал.

Билвосита услубда “Тубазид-инулин” препаратининг туберкулёз штаммларига таъсири.

№	Штамм номи	Препарат конц. %	Кузатув муддати, кунлар								Натижа	
			10	20	30	40	50	60	70	90		
1	M.bovis 8-03	5,0 мкг/мл										колония ўсмади
2	M.bovis 8-03	10,0 мкг/мл										колония ўсмади
3	M.tuber culosis №7880	5,0 мкг/мл										колония ўсмади
4	M.tuber culosis №7880	10,0 мкг/мл										колония ўсмади
5	M.bovis 8-03	Назорат			+	+	+	+	+	+	+	колония ўсди
6	M.tuber culosis №7880	Назорат			+	+	+	+	+	+	+	колония ўсди

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Ҳайит Салимов,
ветеринария фанлари доктори, профессор.**ТУБЕРКУЛЁЗ – СУРУНКАЛИ, ЮКУМЛИ КАСАЛЛИК**

Патогенез. Туберкулёз кўзгатувчиси организмга озуқа ёки ҳаво орқали тушгач, (кўпроқ ўпка, ичак ва регионал лимфа тугунлар) яллиғланишни бошлайди. Кўзгатувчи кўпаядиган жойда хужайрали пролиферация ва экссудатив жараён намоён бўлади. У ердаги лимфоид хужайралар орасида *кўп ўзакли гигант* ва эпителий хужайралари кузатилади. Хужайралар орасида йиғилган экссудат уюши ва фибрин қўшилиши эвазига кулранг юмалоқ, игна тугма бошидан ясиқ дони катталигида *туберкулёз тугуни* пайдо бўлади. У бириктирувчи тўқима билан ўралади (капсула). Ушбу тугунга қон бормасдан тўқима ўлади ва творогга ўхшаш нарсага айланади. Кўзгатувчи кирган жойида ҳосил қилган туберкулёз тугуни *биринчи самара* ҳисобланади. У ердан лимфа орқали регионал лимфа тугунга келади ва у ерда ҳам патологик жараён ҳосил қилади. Бир вақтдаги аъзо ва регионал лимфа тугун касалланиши *тўла бирламчи комплекс*, фақат лимфа тугун касалланиши тўла бўлмаган бирламчи комплекс дейилади. Жараён яхши ўтса бирламчи ўчоқ оҳакланади, яъни атрофи қалин бириктирувчи тўқима билан ўралади ва инфекцион жараённинг ривожланиши тўхтайти.

Резистентлиги пасайган организмда бирламчи ўчоқ қалин бириктирувчи тўқима билан ўралмайди, туберкулёз тугуни девори емирилади ва инфекцион жараён соғлом тўқимага ўтади. Кейин у кўплаб туберкулёз тугунларини ҳосил қилади. Улар бир-бири билан қўшилиб туберкулёз фокусига айланади. Ундан микобактериялар қонга ўтиб, *организмга тарқалган туберкулёз шаклга* (жигар, талок, буйрак) ўтади. Вақт ўтиши билан ўпкада қатта туберкулёз ўчоқлари-каверналар (ўртача мушт ўлчамида) ҳосил бўлади ва у бронхлар ичи билан туташади ва ундан балғам чиқа бошлайди, йўтал кузатилади, нафас олиш қийинлашади.

Шиллиқ қаватлар ва ички аъзоларнинг бошқа жойлари зарарланганда сероз қатламда жуда кўп микдордаги маржонсимон сил тугунчалари пайдо бўлади. Ўпканинг тўлиқ ва бошқа аъзоларнинг кучли зарарланиши ҳайвонларнинг тез озиб кетишига олиб келади ва маҳсулоти кескин камайиб кетади. Оқибатда касал ҳайвон жуда ориқлаб ўлади.

Кечиши, клиник белгилари ва шакллари. Сил касаллигининг яширин даври 2-6 ҳафта давом этади. Касалликнинг келиб чиқиш муддати макроорганизмнинг резистентлик ҳолатига ва кўзгатувчининг вирулентлигига боғлиқ. Касаллик юққандан кейин, унинг клиник белгилари намоён бўлгунга қадар, баъзан ойлаб вақт ўтиши мумкин. Сил касаллиги асосан сурункали кечади. Шунинг учун унинг клиник белгиларига қараб диагноз қўйиш анча қийин. Кўп ҳолларда тананинг ҳарорати ўзгармайди. Касал ҳайвон аста - секин

ориқлай бошлайди, иштаҳанинг пасайиши сезилмайди. Кўпинча касаллик белгиларсиз ўтади. Уни асосан аллергик, серологик текширишда аниқланади. Касал ҳайвонлар асосан сўйилганда аниқланади. Патологик жараённинг жойига қараб: *ўпка ва ичак шакллари; елин ва сероз қобигида (марварид) ва организм бўйича тарқалган шакллар* фарқланади. Ундан ташқари *очиқ – фаол* (балғам билан йўталда кўзгатувчи чиқади) ва *ёпиқ капсулали шакллар* (кўзгатувчи чиқмайди) мавжуд.

Қорамолда кўпроқ ўпка шакли кузатилади. Бу шаклда тана ҳарорати кўтарилди, кам, аммо кучли йўтал бўлади, иштаҳа пасаяди, тез нафас олиш, кахексия (ўта озиш) кузатилади. Сил касаллигида ўпканинг зарарланиши йўтал билан кечади. Касалликнинг бошланғич даврида кам, кучли ва қисқа йўтал, кейинчалик эса кучсиз, лекин азоб берувчи йўтал пайдо бўлади. Бу ҳолат айниқса эрталаб, совуқ пайтлари аниқ намоён бўлади. Туберкулинга ижобий реакция микобактерия билан зарарлангандан 14 - 40 кун кейин пайдо бўлади. Шиллиқ пардалар оқимтир бўлади, ичакларда яллиғланиш туфайли касал ҳайвонларда диарея кузатилиши мумкин. Елинда лимфа тугунлари каттаради. Организм бўйича *тарқалган туберкулёзда* тери остида жойлашган юзакли лимфа тугунлар каттаради.

Чўчқаларда сил касаллиги клиник белгилар намоён бўлмасдан кечади. Баъзи ҳолларда лимфатик тугунларнинг ўзгариши кўзга ташланади. Ўпка зарарланганда йўтал билан кечади, касал чўчка вақти-вақти билан қусади ва нафас олиш қийинлашади.

Қўй ва эчкиларда сил жуда кам учрайди ва бирор белгисиз кечади. Агар патологик жараён кучли кечса, у қорамоллардагидек бўлади.

Паррандаларда туберкулёз сурункали аниқ клиник белгиларсиз ўтади. Организмга тарқалган туберкулёз кузатилса, тухум олиш кескин пасаяди, кахексия, ҳолсизланиш, ичакда диарея, жигарда сариклик кузатилади. Айрим ҳоллардагина товук қафти атрофида ўсмасимон тугунлар кузатилади.

Патологоанатомик ўзгаришлар. Ҳар хил аъзо ва тўқималарда махсус тугун ва бўртиқчалар (туберкула) пайдо бўлиши касалликка хос характерли белгилардан ҳисобланади. Бу тугунлар тарик донасида то товук тухумидек ва ундан каттароқ бўлади. Сил тугунлари кесиб кўрилганда ичи худди курук творогсимон массани эслатади. Туберкулёз тугунлари бириктирувчи тўқима –капсула билан ўралган бўлади. Кейин у оҳакланади.

Кавшовчи ҳайвонларда туберкулёз тугунлари ўпкада ва кўкрак бўшлиғи лимфа тугунларида бўлади. Ўпкада қаттиқ кизғиш кулранг ўчоқлар кузатилади. Кесилганда ялтироқ ёғсимон, айрим ҳолларда йирингли фокуслар кўзга ташланади. Лимфа тугунлар катталаш-

ган, қаттиқ, эгри-бугри, марказида тўқиманинг казеоз емирилиши кузатилади.

Туберкулёз тугунлари ўпка, қорин пардаларида жойлашганда кўпгина қаттиқ ялтироқ ўрмон ёнғоқлари ўлчамида ўчоқлар кўзга ташланади. Ичак шаклидаги туберкулёзда оч ва ёнбош ичак шиллик пардаларида айлана шаклда яралар кузатилади. Қорамолларда кўкрак лимфа тугунлари 100%, ўпка 99%, жигар 8%, талоқ 5%, елин 3%, ичак 1%, паррандаларда эса 90% жигар, 70% талоқ, суяклар ва ичаклар туберкулёз билан касалланади.

Р. В. Тузова (1974) чўчкалар йил давомида сил билан касалланганда ичак атрофидан лимфатик тугунлар 88 фоиз, бошқа лимфатик тугунлар эса 5-36 фоиз зарарланганлигини аниқлаган. Отларда ҳам силга хос ўзгаришлар асосан лимфатик тугунларда намоён бўлади.

Диагноз. Сил касаллигига диагноз қўйиш учун унинг эпизоотологияси, клиник белгиси ва кечиши, патологоанатомик ўзгаришлар ўрганилиб, лабораториявий текшириш усуллари (бактериологик, гистологик, аллергик ва серологик) қўлланилади. Ҳайвоннинг тириклигида сил касаллиги асосан аллергик текшириш усули билан аниқланади. Сил касаллигини аниқлаш учун қуйидаги аллергенлар ишлатилади: отдан ташқари бошқа тур ҳайвонларда 2 ойликдан бошлаб, *сут эмизувчилар учун қуруқ тозаланган ППД-туберкулин* 0,2 мл бўйин териси ичига юборилади ва натижаси 72 соатдан кейин штангель-церкул ёки кутиметр билан ўлчанади. Қорамол, туя ва буғуларда аллерген юборилган жойдаги шиш ўлчами билан шунга ўхшаш тери бурмаси ўлчамининг фарқи 3 мм ва ундан юқори, букаларда (аллерген дум ости бурмасига юборилади) 2 мм ва ундан юқори бўлса, аллергик текшириш натижаси ижобий мусбат (+) ҳисобланади. Қўй, чўчка, ит, маймун ва мўйнали ҳайвонларда текшириш натижаси 48 соатдан, паррандаларда 30-36 соатдан кейин баҳоланади. Текшириш натижасида аллерген юборилган жойда шиш аниқланса, ижобий натижа деб ҳисобланади. Аллерген қорамол бўйин терисига, чўчка қулоқ асосига, парранданинг сирғасига юборилади. Қўй, эчки, ит, маймун, қорақўздан бошқа мўйнали ҳайвонларга туберкулин соннинг ички юзаси терисига, қорақўзданинг юқори қошига, туяда чатан қисмининг қорин терисига юборилади. *Паррандалар учун қуруқ тозаланган туберкулин* (ППД-протеин пурифидедриват) туберкулезни аллергик диагностикасида ишлатилади.

Альттуберкулин микобактериянинг қорамоллар тури ўстирилган ва ўлдирилган бульон культураси филтратидан тайёрланади. У чўчка ва маймундан бошқа барча тур ҳайвонларда туберкулёзни аллергик диагностикасида ишлатилади.

Аллергик реакция жуда сезгир ва ўта махсусдир. У организмнинг иммунологик реактивлигига ва туберкулинга сезгирлигига боғлиқ. Ориқ, тўқ бўғоз, қари ва ор-

ганизм бўйича *тарқалган туберкулёзда* реакция кучсиз ёки *анергия* бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда паррандалар паратуберкулёз микобактериялари ёки атипик микобактериялар билан сенсibiliзация бўлса, номахсус реакция бериши мумкин. Аммо, бу реакция мустақкам эмас, бир неча ойда йўқолади. Ажратма диагноз учун симмултан синов ёки атипик микобактериялар билан (комплекс аллерген билан) кам реакция қўйилади.

Диагноз қўйишда эпизоотологик маълумотлар: янги келган моллар, уларни профилактик карантин давридаги текшириш натижалари, ҳисоб-китоб ишлари, янги туғилган бузоқлар инобатга олинади.

Отларда *офтальмосинов*, айрим ҳолларда қорамолларда ҳам тери ичига юбориш билан бирга 5-6 кун оралиқ билан, *2 марта* кўз пипеткаси билан пастки қовоқ конъюнктивасига *3-5 томчи* аллерген юборилади. Натижа биринчи юборилгандан *6, 9, 12 ва 24* ва иккинчи юборилгандан *3, 6, 9, 12 соатдан* кейин қаралади. Кўзнинг ички бурчагидан йирингли шиллик ёки йиринг ажралса, конъюнктива қизариб, шишса, реакция ижобий (мусбат) + ҳисобланади.

Даволаш. Касал ҳайвонлар даволанмайди, чунки уларни даволаш иқтисодий зиён келтиради. Улар гўштга топширилади

Қарши курашиш чоралари. Патологоанатомик текширишда ҳайвон ички аъзолари ва лимфа тугунларида туберкулёзга хос ўзгаришлар кузатилса, ёки бу ҳолат бўлмаса-ю, бироқ бактериологик, гистологик ва биосинов асосида диагноз аниқланган бўлса, хўжалик (ферма) туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи далолатномаси асосида ҳоким қарори билан *носозлом* деб эълон қилинади ва унга *карантин* қўйилади. Аллергик, бактериологик ёки гистологик текшириш асосида аниқланган касал моллар ажратилиб, 15 кун орасида гўштга топширилади. Карантин талаблари бўйича фермадан мол сотиш ёки сотиб олиш, ҳайвонлар гуруҳини алмаштириш ва аралаштириш, касал моллардан насл олиш ва сигир, ғунажинларни қочириш ман этилади. Сут соғиш аппаратлари ва идишлари ҳар куни қайноқ сувда ювилиб дезинфекция қилинади. Дезинфекция 0,5% ли дезмол эритмаси билан 5 дақиқа давомида амалга оширилади.

Хўжаликни (ферма) ушбу касалликдан соғломлаштириш тадбирлари режаси ишлаб чиқилади ва у фавқулудда вазият комиссиясида ёки туман ҳокими йиғилишида тасдиқланади. Фермани ушбу касалликдан соғломлаштириш учун бирданига 2 марта ферма бўйича салбий натижа олгунча ҳар 30-45 кунда аллергик текширилади, кейин яна профилактик назорат даврида 3 ой муддат билан 2 марта текширилади. Агар барча текширишларда (2 марта 1 ойлик ва 2 марта 3 ойлик оралиқ билан) манфий натижа олинса, фермадаги қорамоллар туберкулёз бўйича соғлом, деб ҳисобланади.

УДК: 619:636.3:614.4

Комилжон Шухратович Акрамов, магистр,
Баҳодир Амриддинович Кулиев, в.ф.н., доцент, илмий раҳбар

ҚЎЙЛАРДА АРАЛАШ ИНФЕКЦИЯЛАРНИНГ ЭТИОЛОГИЯСИ ҲАҚИДА АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация

В данной статье представлен краткий обзор причин, этиологии смешанных инфекций у овец, возбудителя смешанных инфекций и сезонной динамики заболевания.

Калит сўзлар. Аралаш инфекция, грамманфий бактерия, граммусбат бактерия, спора, пастереллэз, колибактериоз, салмонеллэз, этиология.

Summary

This article provides a brief overview of the causes, etiology of mixed infections in sheep, the causative agent of mixed infections and the seasonal dynamics of the disease.

Кириш. Бугунги кунда қўйлар орасида аралаш инфекцияларнинг кўпроқ учраши оқибатида она қўйларнинг бола ташлаши ёки туғилган ёш қўзиларнинг ўлими кўпроқ кузатилмоқда. Шу сабабдан қўйларда аралаш инфекциялар учрашининг олдини олиш, касалликни аниқлаш ва даволаш ишларини олиб бориш учун аралаш инфекцияларнинг этиологиясини чуқурроқ билишимиз лозим.

Адабиёт маълумотлари. Инфекцион касалликларни этиологиясини ўрганишда адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, инфекцион касалликлардан келадиган иктисодий зарар куйидаги кўрсаткичлардан ташкил топади:

- Ҳайвонлар ўлими ёки касаллик нагизасида маҳсулдорликнинг пасайиши;
- Мамлакатда хом ашё ресурсларини камайиши (сут, гўшт, тери, тухум ва бошқалар);
- Хўжалиқда насл ишларининг бутунлай тўхташи;
- Ҳайвон, унинг маҳсулотларини сотишнинг кескин камайиши;
- Карантин тадбирларига кетган харажатларнинг айрим ҳолларда нобуд бўлган ҳайвонлар кийматидан ҳам ортиқ кетади ва бу хўжалиқнинг иктисодий ночор аҳволга солиб қўяди [2].

Инфекцион касалликлар натижасида 2001 йилда Англия 11 миллиард фунт стерлинг иктисодий зарар кўрган. Инфекцион касалликлар, инфекцион жараёнларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқда, инфекция жараён микро – макроорганизмларнинг ўзаро симбиоз яшаши оқибатида келиб чиқиши ва инфекция кўзгатувчиларининг бир-бирига нисбатан антогонист таъсири натижасида аралаш инфекция касалликлар юзага келиб айнан бир касалликка хос бўлган клиник белгилар кўринмай, турли хилдаги патоморфологик манзарани ҳосил қилмоқда. Шу сабабдан бугунги кунда аралаш инфекцияларга қарши қурариш долзарб ҳисобланмоқда.

Аралаш инфекция бу организмга икки ва ундан ортиқ касаллик кўзгатувчилари тушган вақтда юзага келадиган касалликлардир. Мамлакатимизнинг қўйчиликка ихтисослашган хўжалиқларида қўйлар орасида аралаш ҳолда пастереллэз, салмонеллэз, колибактериоз кўзгатувчиларининг секундар, спонтан инфекция шаклида намоён бўлиши ҳоллари кўп учрамоқда.

Пастереллэз (геморрагик септитсемия) - иситма, умумий интоксикация, терининг ва тери ости тўқималарининг

яллиғланиши, артрит, остеомиелит билан тавсифланган ўткир инфекция касаллиқдир. Қишлоқ хўжалиқ, ёввойи ҳайвонлар ва паррандаларда ўткир кечувчи септик, зооноз касалликлар қаторига киради. У септицемия, ички органлар, сероз ва шиллик қаватларда геморрагик яллиғланиш жараёнлари билан характерланиши таъкидланган [4].

Этиологияси. Касалликнинг кўзгатувчиси – *Pasteurella* авлодига мансуб *Pasteurella multocida* - қисқа овалсимон учлари қайрилган бацилла (узунлиги 0,3-1,5 мкм ва кенлиги 0,15-0,25 мкм) грамманфий, ҳаракатсиз, спора ҳосил қилмайди, 37-38° С да рН 7,2-7,4 бўлган ГПА ва ГПБларда, қонли ГПА, зардобли ГПА ёки ГПБ ларда яхши ўсади. Романовский-Гимза усулида биполяр бўялади. Микроб ташки муҳит таъсирига чидамсиз, киздирилганда, ультрабинафша нурлари, дезинфекциялаш воситаларининг таъсири остида тезда нобуд бўлади. Ерда ва гўнгда микроб 3-4 кун давомида сақланиши аниқланган. Пастереллэзнинг 4 та серотипи аниқланган (А, Б, Д ва Е); уларнинг баъзиларида кичик типлар ҳам мавжуд. Экзотоксин ишлаб чиқариш қобилятига эга.

Инфекциянинг организмга кириши кўпинча тишлаш жойидаги тери ёки ҳайвоннинг тирналган жойлари орқали амалга ошади. Патоген шиллик пардалар орқали ҳам кириши мумкин. Баъзи ҳолларда патоген микроорганизмларнинг тарқалиши турли органларда (ўпка, мия, бўғим ва бошқалар) иккиламчи ўчоқларнинг шаклланиши билан кузатилади. Септик шакллар токсик, токсик шок ва тромбогеморрагик синдромнинг ривожланиши билан бирга бўлиши мумкин. Касаллик ўткир кечганда ҳайвонларда плеврит ва гавданинг кўпгина жойларида сувли шиш, ярим ўткир ва сурункали кечганда – ўпкада йирингли некротик пневмония, керато-конъюнктивит, мастит ва геморрагик энтеритлар билан характерланиши адабиёт маълумотларида келтирилган [1,2,4].

Касаллик одамлар орасида ҳам учраши қайд этилган, қуёнлар ва паррандалар орасида эпизоотия ҳолида учрайди. От ва гўштхўр ҳайвонлар пастереллэзга нисбатан чидамлироқ.

Колибактериоз (*Escherichiosis, colidia, colisepsis*) - бу септицемия, токсемия ва энтерит билан намоён бўладиган ёш ҳайвонларнинг ўткир кечувчи касаллиги. Кўзгатувчиси *Echerichia* авлодига мансуб *Escherichia coli*, Грам усулида бўялади, учлари қайрилган грамманфий, спора ҳосил қилмайдиган таёқчасимон, ҳаракатчан ва ҳаракатсиз тур-

Инфекция қўзғатувчиларининг электрон микроскопда кўриниши.



Pasteurella multocida.



Escherichia coli.



Salmonella abortus ovis.

лари фарқланадиган прокариот (бактерия). Касаллик оқ ич кетиш, деб ҳам аталади, унинг юқумлилик хусусиятини 1865 йилда Обих аниқлаган. Пастереллэз сингари озука мухитларида яхши ўсади.

Этиологияси. Касаллик қўзғатувчиси *Escherichia coli*. Бу 08, 09, 0101 серогруҳларнинг айрим штаммларини ҳисобга олмаганда юмалоқ учлари бўлган, грамманфий бацилла, ҳажми 2-3 x 0,4-0,6 мкм, спора ва капсула ҳосил қилмайди. Тупроқда, гўнгда, сувда ва чорвачилик биоларида патоген 1-2 ой давомида сақланади. Эшерихиозга барча тур ёш ҳайвонлар мойил бўлади. Ушбу касаллик табиатда кенг тарқалган бўлиб, у дунёнинг барча мамлакатларида рўйхатга олинган. Касаллик барча фаслларда, айниқса туғиш даврида кўп учраши аниқланган. Қўйлар орасида одатда ёзнинг охири ва кузнинг бошида, қўзиларни онасидан ажратиш даврида, сутдан чиқиб дағал озука билан озикланганда касаллик бошланади. Касаллик манбаи касал ва касалликдан тузалган ҳайвонлар ҳисобланади. Улар доимий равишда ўзларининг тезаги ва ажратган сийдиги билан атроф-мухитни, яйловларни, сувни зарарлантиради. Касаллик асосан алиментар, айрим ҳолларда аэроген йўллар билан юқади. Касаллик учраган ҳудудларда ёш ҳайвонлар ўлими 70 – 100 фоизга етади ва катта иктисодий зарар кўрилади [2,4].

Колибактериоз юқумли бўлмаган диарея, салмонеллэз, стрептококкоз, пастереллэз, адено, рота ва коронавирус инфекцияларидан дифференциация қилиниши керак.

Салмонеллэз барча турдаги ёш ҳайвонларнинг септик шаклда намоён бўладиган ўткир юқумли касаллигидир ва инсон танасига ҳайвонларнинг маҳсулотлари билан қиради. Бактериянинг номи уни 1885 йилда кашф этган америкалик микробиолог Дениел Салмон номидан келиб чиққан.

Этиологияси. Қўзғатувчи *Salmonella enterobacteriја* оиласига мансуб, *Salmonella abortus ovis* билан қўйлар барча ёшида касалланади, она қўйларда салмонеллоз туфайли ҳомила ташлаш кузатилади. Турли ҳайвонларда ҳар хил қўзғатувчи серовариантлари касаллик келтириб чиқаради. Бузоқларда *S.enteritidis* ва *S.typhimurium*, чўчкаларда *S.cholerae suis*, *S.typhimurium*, тойларда *S.abortus equi*, паррандаларда *S.pullorum (S.gallinarum)* касаллик қўзғатиши аниқланган.

Салмонеллалар ичакка тушиб қўпаяди ва у ерда яллиғланиш келтириб чиқаради. Грам усулида бўялади ва оддий микроскопда кўрилади, грамманфий, таёкчасимон,

спора ва капсула ҳосил қилмайдиган *S.pullorum* дан ташқари барчаси ҳаракатчан бактериядир. Қўзғатувчи ажратган эндотоксинлар лимфа орқали конга ўтиб септицемия чақиради. Септицемия фагоцитоз фаоллигини пасайтиради, ўпка, бош мия, бўғинлар, бўғоз ҳайвонларда бачадон ва ҳомила ҳам жароҳатланади. Салмонеллаларнинг барча ички аъзоларда кўпайиши ва улардан чиққан эндотоксинларни таъсири натижасида ҳайвон нобуд бўлади. Қўзиларда асосан ўткир септицемия ҳолида кечади. Тана ҳарорати 41 – 42° С гача кўтарилади, нафас олиш қийинлашади, пулс тезлашади, диарея, фекалида қон кузатилади. 1 кунлик қўзиларда ўлим 100 фоизгача кузатилади, 2 – 5 ҳафталикда соғайиб кетиш кузатилади, аммо ҳайвонда ўсиш ва ривожланиш сустр бўлиши аниқланган [2,4].

Ушбу касаллик қўзғатувчиларининг аралаш ўзаро симбиоз таъсир қилиши натижасида ҳайвонлар организмда клиник белгиларнинг мураккаблиги ҳамда патоморфологик манзаранинг айнан бир касалликка хос бўлмаслиги аралаш инфекцияларнинг диагностикаси ва даволаш ишларининг мураккаб эканлигини ифодалайди. Аралаш инфекцияларга диагноз қўйишда лаборатория усулларида фойдаланиб ҳайвонларнинг турли органларидан олиб тайёрланган патологик материаллардан сунъий озука мухитларига экиб қўзғатувчиларни ўстириш, серологик текширишлар олиб бориш, патматериаллардан суспензия тайёрлаб лаборатория ҳайвонларига оқ сичқонлар териси остига, қорин бўшлиғига, қуёнлар териси остига 0,5 мл, кабутарлар, товуклар ва ўрдақлар мушак орасига 0,3 мл дозада юбориб биосинов қўйилади. Ижобий натижада ҳайвон нобуд бўлади.

Аралаш инфекцияларни олдини олиш ва даволаш мақсадида турли хил вакциналар ва гипериммудин қон зардоблари қўлланилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мухамедов И., Эшбоев Э., ва бошқ. “Микробиология, иммунология, вирусология”. Тошкент 2006 й. 248- 254 б.
2. Салимов Х.С., Қамбаров А., “Эпизоотология”. Тошкент 2016 й. 9 – 411 б.
3. Хаитов Р. “Иммунология”. Москва 1996 й. Шопўлатова З.Ж. “Микробиология” Тошкент 2016 й. 112 – 135 б.
4. Корольюк А.М. “Медицинская микробиология”. Санк – Петербург 1999 г.
5. Покровский В.И., Пак С.Г., Брико Н.И., Данилкин Б.К., “Инфекционные болезни и эпидемиология” учебник. Москва, 2007 г.

УДК: 619:636.3:576.89.

Б.С.Салимов, профессор, Х.Э.Отабоев, мустақил тадқиқотчи,
Самарқанд ветеринария медицинаси институти

ҚЎЙЛАРНИНГ ПАРАМФИСТОМАТОЗЛАРИ

Аннотация

В статье отражены материалы исследований авторов, которые впервые в условиях Узбекистана раскрыли очаги парамфистоматозов овец, возбудители которых вызывают самостоятельные заболевания, такие как гастроитияксоз, каликофороз, лиорхоз.

Калим сўзлар: *Gastrothylax crumenifer*, *Calicophoron calicophorum*, *Liorchis scotiae*, тухум, моллюска, редиї, церкарий, адолескарий.

Мавзунинг долзарблиги. Парамфистоматозлар кавш қайтарувчи ҳайвонларга хос трематодоз касалликлари бўлиб, фанда уларнинг 100 дан ортиқ қўзғатувчилари Америка, Австралия, Африка, Европа ва Осиё қитғаларида тарқалган. МДХ давлатлари орасида парамфистоматозлар Россия Федерацияси, Украина, Белорусь худудларида, асосан йирик шохли ҳайвонлар орасида эпизоотологик аҳамиятга эга, уларнинг қўзғатувчилари, асосан *Paramphistomum cervi*, *Liorchis scotiae*, *Gastrothylax crumenifer* лардир [4]. Ўзбекистон шароитида асосий эътибор қорамолларнинг парамфистоматозларини ўрганишга қаратилган [3,5,6,8]. Уларнинг қўзғатувчилари сифатида *Paramphistomum ichikawai*, *Liorchis scotiae*, *L.hibernia*, *Calicophoron calicophorum*, *C.ershowi*, *Gastrothylax crumenifer* лар рўйхатга олинган. Гастротилиякс ва каликофорлар қўзғатадиган гастротилияксоз ва каликофорозлар илк бор ўтган асрнинг 70-йилларида Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбий ва жанубий қисмларида қорамолларда махсус ўрганилган [5, 8]. Кейинчалик парамфистоматозларнинг эпизоотологик ҳолатини ўрганишга қизиқиш сусайиб борди. XXI асрнинг бошларига келиб қорамоллар орасида парамфистоматозлар Самарқанд вилоятининг Тайлоқ, Ургут туманларида кенг тарқалиб кетди, улар оқибатида ҳайвонларнинг ўлими ва мажбурий сўйилишлари кузатила бошланди. Кейинчалик парамфистоматозлар орасида гастротилияксоз, каликофороз ва лиорхоз каби касалликлар Зарафшон дарёси оқими бўйлаб кенг тарқалиб кетди. Шундай ҳолатлар кузатилдики, бир бош Пайариқ туманидан мажбуран сўйилган 8 ёшли қорамолнинг катта ва тўр қоринларидан терибор олинган вояга етган гастротилиякслар 5 литрлик идишга сиғмай қолди. Бундай нохуш эпизоотологик ҳолатлар қорамоллар парамфистоматозларининг тарқалишини илк бор ўрганишга тадқиқотчиларни жалб этди. Ушбу масалага эътибор бериш ва қўйлар орасида уларнинг эпизоотологик аҳамиятини ўрганиш бизнинг зиммамизга тушди.

Тадқиқот услублари, жойи ва ҳажми. Тадқиқотлар Самарқанд ва Тошкент вилоятлари шароитида қўйларнинг катта ва тўр қоринларини, ширдон ва ўн икки

Summary


The article reflects the research materials of the authors who, for the first time in the conditions of Uzbekistan, discovered foci of sheep paramphistomatosis, the causative agents of which cause independent diseases, as well as gastrothylaxosis, calicophorosis, and liorchosis.

бармоқ ичакларини тўлиқ гельминтологик ёриш, уларни тезак намуналарини гельминтоовоскопик текшириш йўллари билан топилган парамфистоматларни морфологик, биоэкологик жиҳатларини ўрганиш орқали бажарилди.

Тадқиқот натижалари. Бизларнинг ушбу тадқиқотларимизгача юқорида номлари кўрсатилган парамфистоматлар қорамолларнинг катта ва тўр қоринларида топилган. Улардан атиги бир тур паразит *C.ershowi* 1962-1963 йилларда Ўзбекистоннинг жанубий минтақасида қўйлар орасида кам миқдорда учраган (2). Бизлар эса, 2012 йилдан эътиборан ҳозирги давргача Самарқанд ва Тошкент вилоятларининг айрим туманларида қўйларда *G.crumenifer*, *C.calicophorum*, *L.scotiae* томонидан махсус гастротилияксоз, каликофороз, лиорхоз каби парамфистоматоз касалликларини қўзғатилишини, уларнинг оқибатида эса ҳар бир ҳолатда ўлим кузатилишини аниқладик.

Ушбу трематодаларнинг вояга етганлари 10-20 мм гача узунликга эга, танаси анча йўғон, унда мускул қатлами жуда кучли тараққий этган, шакли ноксимон (каликофоронлар), цилиндрсимон (гастротилиякслар), урчуксимон (лиорхислар). Барчасининг охириги тана қисмида яккаю-ягона қорин сўргичи жойлашган. Уларнинг табиий ҳолдаги ранги қизғич тусда бўлади, 3-4 кун тоза сувда сақлаганда улар консизланиб кулранг-оқиш тусга ўтади ва ўз шаклини олади. Тухумлари шакл, ҳажм жиҳатидан фасциола тухумларини эслатади, аммо улар кулранг тусда, ички қисмида сариқлик хужайралари тўлиқ жойлашмаган, уларнинг ҳажми 0,11-0,16x0,07-0,08 мм га тенг бўлади.

Барча парамфистоматлар икки хўжайин иштирокида ривожланади, шунга қўра улар фасциолидли тараққиёт типига эга. Тараққиётининг эмбриогония, партеногония, цистогония даврлари, фасциолаларники сингари, сувда ва ўпкали қориноёқли моллюскаларда кечади, фасциолаларникидан фарқи оралик хўжайинларини чучук сув ўпкали моллюскалари орасида ғалтаксимон, чиғаноқли планорбидлар бўлишида. Маритогония даври кавшовчи ҳайвонларнинг овқат ҳазм қилиш органларининг дастлаб ширдон ва олдинги ингичка ичак бўлимларида



1-расм. Тошкент вилояти қўйларида топилган гастротилияклар (асл нусха, 2018).

бошланиб катта ва тўр қоринларда тугалланади. Бизлар ўз тадқиқотларимизда жуда ёш вояга етган парамфистоматларни қўйларнинг катта ва қисман тўр қоринларида учратдик.

Парамфистоматлар билан қўй ва бошқа қавш қайтарувчи ҳайвонларнинг табиий шароитда зарарланиши, фасциолалар сингари, моллюскалар биотопларидаги ўтларда ёпишиб турган ва кам ҳолда сув юзасида қалқиб турган адолескарийларни оғиз орқали кириши туфайли юзага келади. Адабиёт манбаларида кўрсатилишича, парамфистоматозлар ўткир ва сурункали ҳолатда кечади, аммо бизлар уларнинг ширдон ва ичакдаги жуда ёш парамфистоматлар томонидан кўзгатиладиган ўткир шаклини учратмадик. Парамфистоматларни асосий хўжайин организмда 3,5-4 ойда вояга етиши аниқланган [1].

Парамфистоматоз кўзгатувчиларидан Ўзбекистон ҳудудида ўлим илк бор бизлар томонимиздан 2012 йилнинг январ ойининг бошида Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманига тегишли Нарпай каналининг ўнг қирғоғида жойлашган “Қорқўлчи” ва “Пилон” қишлоқларининг қўйларида кузатилди. Касаллик кўзгатувчисини катта ёшли қўйларнинг катта қорнида бир неча минглаб паразитлик қилувчи *G. crumenifer* эканлигини аниқладик. Гастротилияксозни *F. gigantea* кўзгатган фасциолёзнинг ўткир оқими билан бирга кечиши кузатилди. Қўйлар оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга тегишли бўлган. Қўй эгалари ҳар йили уларни Нуробод туманининг чўл-яйлов ҳудудида

кузнинг охиригача сақлаган. 2011 йилнинг курук келиши туфайли қўйлар 2011 йилнинг куз мавсумида Қорадарё дарёсининг ўнг соҳилидаги Кадан қишлоғига яқин бўлган дарё бўйидаги ўтлоқларда шולי етиштирилган майдонларда сақланган, сўнгра ноябрь ойининг бошида қўйлар ўз жойига олиб келинган.


2012 йилнинг январ ойининг бошидан қўйлар орасида кутилмаганда ўлим бошланди. Бундай нохуш ҳолатни ҳаёлига ҳам келтирмаган тадбиркорлар шошилиш равишда ўлган қўйларни кўмиб ташлай бошлаган, бир қисмини мажбурий сўйишган, бир қисмини бозор орқали сота бошлаган. Шу пайтда бизлар ўлган ва мажбурий сўйилган 8 бош қўйларнинг патологоанатомиясини ўргандик, жигарларини, катта ва тўр қоринларини, ширдон ва ўн икки бармоқли ичагини тўлиқ гельминтологик ёриш йўли билан текширдик. Қорин бўшлиғида 10-15 л гача серозли экссудат тўпланганлигини кўрдик. Ҳайвонлар семизлиги ўртача, жигар капсуласида қисман фибрин коплами сезилади.

Жигар ва лимфа тугунлари ҳажмига қарийиб 3 баробар катталашган, кийинлик билан кесилади. Катта ва қисман тўр қорин қизғич тусдаги парамфистоматларга тўлиб кетган. Ҳар бир жигарда 144 нусхадан 278 нусхагача, тана узунлиги 12 мм дан 30 мм гача бўлган ёш *F. gigantea* лар топилди. Жами аниқланган ушбу фасциола сони 1569 нусхани ташкил қилди, уларнинг ўртача инвазия интенсивлиги 196 нусхага тенг бўлди. Бирмунча ёш фасциолалар жигар капсуласидаги яралардан чиқиб туради. Бундай ҳолат *F. gigantea* кўзгатган фасциолёзнинг ўткир оқими туфайли юзага келган.

Текширилган 8 бош қўйларнинг катта ва қисман тўр қоринларидан 2138 нусхадан 3994 нусхагача қизғич тусдаги парамфистоматларни йиғиб олдик. Уларнинг жами сони 22972 нусхани ташкил қилди, ўртача инвазия интенсивлик 2871 нусхага тенг бўлди. Барча йиғилган парамфистоматлар 3 сутка давомида тоза сувда сақланди, шу пайтда улар бирмунча оқариб ўз шаклини олди. Шу йўл билан уларни *G. crumenifer* нинг ёш шакллари эканлигини аниқладик. Уларнинг тана узунлиги 5 мм дан 10 мм гача бўлиб, аксарияти ёш гастротилиякларни ташкил қилди.



2-расм. Гастротилияклар билан зарарланган қўйнинг катта қорни (асл нусха).



3-расм. Самарқанд вилоятида қўйда топилган турли ёшдаги *C. calicophorum* (асл нусха).



4-расм. Қўйда топилган вояга етмаган *L. scotiea* (асл нусха).

Шундай қилиб қўйлар ўлимнинг иккинчи сабабчисини гастротиликсознинг мураккаб кечиши, деб аниқладик. Касалланган қўйларда даволаш тадбирларини ўтказиб, уларни ўлимдан асраб қолдик. Шуниси қизиқарлики, ҳар иккала қишлоқ аҳолиси қўйларнинг катта ва тўр қоринларидаги кўплаб кизгич тусдаги парамфистоматларни кўриб, уларга “Қизил курт” деб ном беришди.

Ушбу ўта ноҳўш гастротиликсознинг эпизоотиясидан сўнг 2013 йилнинг эрта баҳорида Пастдарғом туманининг “Ўрта Чимбой” фермер хўжалигида Н.Шодиевнинг қўйлари орасида бошқа парамфистоматоз яъни каликофорозга чалиниши ва уларни *S.calicophorum* билан зарарланганлиги аниқланди. Ҳар бир гельминтологик ёриш йўли билан текширилган 3 бош қўйнинг катта қорни ва тўр қорнидан 1082 нусхадан 4 мингтагача, жами 6224 та, ўртача эса 2074 нусха вояга етган, ноксимон шаклдаги *S.calicophorum* топилди. Гельминтокопрологик текшириш йўли билан текширилган 46 бош қўйларнинг 15 бошининг тезак намуналарида топилган кулранг тусдаги тухумларни *S.calicophorum* трематодасига тегишли эканлиги аниқланди. Ҳар бир қўй тегагида 28 нусхадан 88 нусхагача, ўртача 52 нусхадан паразит тухумлари учради.

2014 йилнинг март ойида Самарқанд вилоятининг Булунғур туманига қарашли, Тожикистоннинг Панджикент тумани билан чегарадош, Зарафшон дарёсининг чап қирғоғи бўйида жойлашган Фармонтепа қишлоғида (тоғолди-тоғ худуди) шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг қўйлари орасида ўлим кузатилди. Гельминтологик ёриш йўли билан 2 ёшли ўлган қўйларнинг бирининг катта қорнида 1562 нусха вояга етган *S.calicophorum*, жигарида эса вояга етган 104 нусха *F.hepatica*, 17 нусха *F.gigantica* топилди. Бошқа қўйнинг катта қорнида 876 нусха, тўр қорнида 272 нусха *S.calicophorum*, жигарида 92 нусха *F.hepatica*, 12 нусха *F.gigantica* ларнинг паразитлик қилиши аниқланди. Мажбуран сўйилган учинчи қўйнинг катта қорнида 530 нусха, тўр қорнида 62 нусха каликофорон, жигарида 65 нусха *F.hepatica* топилди. Шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг қўйларини 75 бошини копрологик усулда текширганда уларнинг 80 фоиздан 100 фоизгача каликофорлар билан, 80-90 фоизини фасциолалар билан зарарланганлиги аниқланди.

2018 йилнинг 9 декабрида Юқори Чирчиқ туманига Қуйи Чирчиқ туманидан 100 бошга яқин 3-4 ёшли қўйлар олиб келинди. 9-14 декабрь кунлари улардан 6 боши ўлди. Уларнинг жигари катталашиб, унинг юзаси нотекис, бир неча жойи қон оқувчи яраларга эга, улардан ёш фасциолалар чиқиб туради, қорин бўшлиғида эса кўп миқдорда сарғич тусдаги экссудат тўпланган. Тўлиқ гельминтологик ёриш йўли билан текширилган жигарларда 171 нусхадан 302 нусхагача *F.gigantica*, 34 нусхагача (2 бош қўйда) *F.hepatica* топилди. *F.gigantica* нинг 50 фоизини 10 мм гача, 30 фоизини 28 мм гача вояга етмаган, 20 фоизини 3 см дан юқори бўлган вояга етган фасциолалар ташкил қилди. Шу билан бирга ҳар

бир 6 бош қўйларнинг катта ва тўр қоринларида 662 нусхадан 2908 нусхагача, жами 9738 нусха *G.crumenifer* трематодасининг паразитлик қилишини аниқладик. Унинг ўртача инвазия интенсивлиги 1623 нусхага тенг. Ушбу органларнинг шиллиқ пардаларида паразитлик қилувчи гастротиликсозлар кизгич рангда бўлиб, улар 3-4 кун тоза сувда сақланди, қонсизланган паразитлар аста-секин кулранг, кейинчалик оқиб тусни олди. Текширишларимизга кўра, уларнинг барчасини вояга етмаган паразитлар ташкил қилди. Жумладан, уларнинг 25 фоизга яқинини жуда майда ҳажмдаги (0,2-0,5 мм узунликдаги) ёш гастротиликсозлар ташкил қилди, қолган паразитларнинг тана узунлиги 0,6 мм дан 1,0 мм гача тенг бўлди (1-4-расмлар). Бундай ёш гастротиликсозлар ширдон ва ичакларда учрамади.

Хулоса. Юқорида келтирилган маълумотлар Ўзбекистон шароитида илк бор қўйларда алоҳида гастротиликсоз, каликофороз, лиорхоз каби мураккаб парамфистоматоз касалликларининг ўчоқларини аниқлашиши ва уларни ҳар бир ҳолатда ушбу тур ҳайвон ўлимига, мажбуран сўйилишига олиб келиши уларни муҳим эпизоотологик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абуладзе К.И. и др. Паразитология и инвазионные болезни сельскохозяйственных животных. «Агропромиздат», Москва, 1990, -464 с.
2. Азимов А.А. Гельминты овец юга Узбекистана и динамика главнейших гельминтозов. //Автореф.дисс. кан.вет.наук, Москва, 1963, 22 с.
3. Даминов А.С. Ўзбекистоннинг турли биоценозларида қорамоллар трематодозларининг эпизоотологик ва иммунологик хусусиятлари. //Автореф.дисс.док.вет.наук, Самарқанд, 2016, 266 б.
4. Никитин В.Ф. Желудочно-кишечные трематодозы жвачных «Агропромиздат», Москва, 1985, -240 с
5. Рўзиев Ш.М. Эпизоотология гастротиликсоза крупного рогатого скота и разработка мер борьбы с ним в условиях Каракалпакской АССР. //Автореф.дисс.кан. вет.наук, Самарқанд, 1970, -17 с.
6. Салимов Б.С. ва бошқалар. Трематодалар. Самарқанд, 2018, -168 б.
7. Салимов Б.С., Отабоев Х.Э., Тайлоқов Т. Самарқанд вилояти шароитида қўйлар фасциолёзи, дикроцелиозини ва гастротиликсозининг эпизоотологик ҳолати кескинлашиши. //“Зооветеринария” журнали, Тошкент, 2012. - № 7-8. -Б. 27-29.
8. Хайдаров У. Каликофороз крупного рогатого скота в Узбекистане. //Автореф.дисс.кан.вет.наук, Самарқанд, 1974, -22 с.

УЎК. 619:636.2

Б.З.Мухторов, Самарқанд ветеринария медицинаси
институтини, мустақил изланувчи

СИГИРЛАРДА ЙИРИНГЛИ ПОДОДЕРМАТИТ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШДА “ВЕТАЦЕФ-50” АНТИБИОТИГИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация

В статье приведены результаты лечения с применением традиционных, и дополнительно к нему нового препарата для лечения гнойного пододерматита, часто встречающийся в дистальном отделе конечности продуктивных коров. Отмечено, что при лечении гнойных пододерматитов традиционным методом, прекращение патологических процессов и полное выздоровление животных происходит на 15-день опыта, а при добавлении в схему лечения препарата Ветацеф-50 полное выздоровление происходит на 10-день опыта, т.е. это создаёт возможности укорачивать сроки лечения животных на 5 дней.

Калит сўзлар. Йирингли пододерматит, маҳсулдор сигирлар, дистал бўлим, патологик ўчоқ, туёқ, экссудат, “Ветацеф-50”, “Бициллин-5”, “Бутазол-100”, патологик жараён, даволаш схемаси.

Кириш. Маҳсулдорлиги юкори бўлган сигирларда учрайдиган йирингли пододерматит нафақат бизнинг минтақамизда, балки бутун дунёда асосий аҳамиятга эга бўлган касалликлардан биридир.

Н.Ш.Давлатов ва бошқаларнинг илмий маълумотларига кўра, хўжаликларда йирик шохли ҳайвонларнинг 10 фоиздан кўпроғида туёқ ва бўғимларнинг йирингли ва йирингсиз характердаги патологияси учрайди [1].

Адабиётларда таъкидланишича, хирургик касалликлар орасида оёқлар дистал қисми бўғимларининг касалликлари бўрдоқчилик ва сутчилик хўжаликлариди кенг тарқалган бўлиб, муаллифларнинг [3, 4] фикрига кўра, бу патологиянинг келиб чиқишига, асосан ҳайвонларни сақлаш ва озиклантиришдаги етишмовчиликлар (ҳайвонларни тигиз сақлаш, моцион ва тўшамаларнинг етишмаслиги, полларнинг нотекислиги ва ифлосланганлиги, туёқларни ўз вақтида тозалаб ва кесиб турмаслик, терининг мацерацияси), рационларнинг оксиллар, углеводлар, витаминлар ва минерал моддалар бўйича номуносивлиги сабаб бўлади.

Соғин сигирларни бўш кўйиб сақлашда молхоналардаги полларнинг носозлиги оқибатида оёқларда жароҳатланишлар, тендинит ва тендовагинит, пододерматит, флегмона, панариция, туёқлар деформацияси, туёқ бўғимларининг йирингсиз яллиғланиши (артритлар) ва бошқа турдаги касалликлар келиб чиқади [2].

Шунга қарамадан бу касалликнинг йирик шохли ҳайвонлар орасида тарқалиши, келтириб чиқарувчи минтақавий хусусиятларга эга бўлган омиллар, ривожланиш хусусиятлари, диагностикаси, даволаш ва олдини олиш усуллари тўлиғича ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади. Хориждан келтирилган маҳсулдорлиги юкори бўлган ҳайвонларда учрайдиган йирингли пододерматит касаллигини клиник белгилари, касалликни даволаш ва олдини олишда самарали усулларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни мақсад қилдик.

Summary

The article presents the results of treatment using traditional, and in addition to it, a new preparation of purulent pododermatitis, which is often found in the distal extremity of productive cows. It was noted that in the treatment of purulent pododermatitis by the traditional method, the cessation of pathological processes and complete recovery of animals occurs on the 15th day of the experiment, and when Vetacef-50 is added to the treatment regimen, full recovery occurs on the 10th day of the experiment, i.e. this makes it possible to shorten the treatment time for animals by 5 days.

Текшириш материаллари ва усули. Маҳсулдорлиги юкори бўлган сигирларда йирингли пододерматит касаллигини учраш даражасини Самарқанд вилоятидаги қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликлар мисолида таҳлил қилган ҳолда, даволашнинг янги усулини Тойлоқ туманидаги “Абдуқаххор Агро сервис” фермер хўжалигида амалга оширдик. Илмий тажриба учун маҳсулдорлиги юкори бўлган йирингли пододерматит билан касалланган 450-500 килограмм тирик вазнга эга бўлган 10 бош ҳайвон ўхшаш жуфтликлар тамойилига риоя қилинган ҳолда танлаб олиниб, 1-гурухдаги 5 бош ҳайвон тажриба, 2-гурухдаги 5 бош ҳайвон назорат гурухига ажратилди.

Олинган натижалар ва унинг муҳокамаси. Танлаб олинган ҳайвонлар туёқ тери асосида турли хилдаги ва йирингли ўчоқлар яққол намоён бўлиб турганлиги, ҳайвонлардаги клиник ўзгаришлар бир - биридан деярли фарқ қилмаганлигини ҳисобга олган ҳолда, бир хил шароитда, бир хил озикалар билан озиклантирилди.

Тажрибагача ва тажриба давомида ҳайвонлар клиник кўриқдан ўтказиб турилди. Тажрибадаги маҳсулдорлиги юкори бўлган сигирларнинг туёғи атрофида кечаётган яллиғланиш жараёнлари, анамнез маълумотлари, йирингли пододерматит касалликларини умумий ва махсус текшириш усуллари таянган ҳолда ҳамда туёқ териси асосидаги йирингли ўчоқларда кечаётган ҳолатлар, бўғимлардаги экссудатлар ҳолатига қараб йирингли пододерматит касаллигига ташхис қўйилди.

Тажриба учун ажратиб олинган ҳайвонлар 5 бошдан бўлиниб, ҳар бир гурух ҳайвонлари туёқлари анъанавий усулда, яъни илиқ сувда 1:1000 калий перманганат эритмасида ювилиб, туёқ териси асосидаги йирингли экссудатлар тозаланди ҳамда стрептомицин кукуни, синтомицин суртмаси қўлланилиб, стерилланган бинт билан боғлаб қўйилди.

Биринчи тажриба гурухи ҳайвонларига анъанавий усулга стрептомицин кукуни, синтомицин мази ара-

лаштирилиб қўлланилди ва қўшимча равишда ноанъанавий усулда Беларусдан келтирилган “Ветацеф-50” антибиотиғи икки кунда бир маротаба 450-500 кг оғирликка 15 мл дан, жами 3 маротаба мускул орасига инъекция қилинди, биостимулловчи дори воситаси “Бутозол-100” препаратидан 20 мл вена қон томирига кун ора бир маротабадан 3 марта юборилди.

Иккинчи гуруҳ ҳайвонларига анъанавий усулда окситетрацилин мази жароҳат жойига қўлланилди ҳамда кунига бир марта мускул орасига 1 кг тирик вазнига 2 минг ТБ да “Бициллин-5” антибиотиғи 2 кунда бир марта, жами 7 маротаба юборилди. Бундан ташқари, “Бутозол-100” препаратидан 20 мл вена қон томирига, кунора бир маротабадан 3 марта юборилди.

Иккала гуруҳ ҳайвонларидан тажрибагача қон намунаси олиниб, қоннинг гематологик кўрсаткичлари текшириб борилди.

Тадқиқотлар жараёнида ҳайвонлар клиник текширувдан ўтказиб турилди ва касалланган бармоқ ва туёқларига ишлов берилиб, боғлаб, жониворлар куруқ жойда алоҳида ҳолда сақланди.

Илмий текширишлар натижасига кўра, биринчи гуруҳ ҳайвонлари даволашнинг 4-кунда клиник текширилганда, туёқлардаги жароҳатлар битаётганлиги, лекин бўғимларда экссудатлар бўлмаса-да, шишлар тўлиқ қайтмаганлиги кузатилди.

Иккинчи гуруҳ ҳайвонлари ҳам даволашнинг 4-кунда клиник текширилганда, туёқлардаги жароҳатларни битиши яхши, лекин бўғимларда экссудат борлиги, маҳаллий ҳарорат сақланиб қолганлиги ҳамда ҳайвоннинг ётиб-туриши оғрикли эканлиги, туёқ тери асоси босиб кўрилганида қисман йирингли экссудат ажралганлиги қайд этилди.

Тажрибадаги биринчи гуруҳ ҳайвонлари тажрибанинг 7-кунда клиник текширилганда, туёқ ва бармоқлардаги жароҳатларнинг битганлиги, маҳаллий ҳарорат йўқлиги ҳамда бўғимларда шишлар қисман сақланиб қолганлиги аниқланди.

Иккинчи гуруҳ ҳайвонлари тажрибанинг 7-кунда клиник текширилганда эса улар туёқларидаги жароҳатлар қисман борлиги ҳамда бўғимлардаги экссудат ҳисобига шишлар сақланиб қолганлиги кузатилди.

Анъанавий усулга қўшимча равишда “Ветацеф-50” антибиотиғи икки кунда бир маротаба 450-500 кг оғирликка 15 мл дан, жами даволаш давомида 3 маротаба мускул орасига, шунингдек, биостимулловчи дори воситаси сифатида “Бутозол-100” препаратидан 20 мл вена қон томирига, кунора бир маротабадан 3 марта юборилган биринчи гуруҳ ҳайвонларида тажрибанинг 10-кунда йирингли пододерматит касаллигининг клиник белгилари тўлиқ йўқолганлиги ва ҳайвонлар соғайганлиги яққол намоён бўлди.

Анъанавий усулда жароҳат жойига окситетрацилин мази қўлланилган ҳамда мускул орасига (кунига бир маротаба) 1 кг тирик вазнига 2 минг ТБ да “Би-

циллин -5” антибиотиғи 2 кунда бир маротаба, жами 7 марта юборилган ва “Бутозол-100” препаратидан 20 мл вена қон томирига кун ора бир маротабадан, жами 3 маротаба юборилган иккинчи гуруҳ ҳайвонлари тажрибанинг 10-кунда текширилганда, туёқдаги жароҳатлар яхшиланганлигига қарамасдан, бўғимлардаги шишлар тўлиқ қайтмаганлиги ҳамда оғриқ сақланиб турганлиги кузатилди. Ушбу гуруҳ ҳайвонлари тажрибанинг 15-кунда, яъни ноанъанавий усулда даволанган биринчи тажриба гуруҳидаги ҳайвонларга нисбатан 5 кун кейин тўлиқ соғайганлиги қайд этилди.

Хулоса. Четдан келтирилган маҳсулдорлиги юқори бўлган сигирлар йирингли пододерматит касалликларини анъанавий даволаш схемасига Беларусдан келтирилган “Ветацеф-50” антибиотиғи икки кунда бир маротаба 450-500 кг оғирликка 15 мл дан, жами даволаш давомида 3 маротаба мускул орасига инъекция қилинган ҳамда биостимулловчи дори воситаси “Бутозол-100” препаратидан 20 мл вена қон томирига кунора бир маротабадан, жами 3 маротаба юборилган тажрибадаги ҳайвонларнинг туёқ териси асосидаги патологик жараёнлар тажрибанинг 10-кунда тўлиқ йўқолиши ва ҳайвонларнинг соғайиши аниқланди.

Анъанавий усулда жароҳат жойига окситетрацилин мази қўлланилган ҳамда мускул орасига (кунига бир маротаба) 1 кг тирик вазнига 2 минг ТБ да “Бициллин -5” антибиотиғи 2 кунда бир маротаба, жами 7 марта юборилган ва “Бутозол-100” препаратидан 20 мл вена қон томирига кунора бир маротабадан, жами 3 маротаба юборилган ҳайвонларда патологик ўзгаришларни тўлиқ йўқолиши ва уларнинг соғайиши тажрибанинг 15-кунга тўғри келиши қайд этилди.

Маҳсулдор сигирлар йирингли пододерматитларини даволашда анъанавий даволаш схемасига қўшимча равишда “Ветацеф-50” антибиотиғини киритиш самарали бўлиб, бу ҳайвонларни даволаш муддатини 5 кунга қисқаришига имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Давлатов Н.Ш., Ниязов Х.Б. ва бошқ. Соғин сигирларда кенг тарқалган асептик бўғим касаллигини даволашнинг самардор усуллари // Қишлоқ хўжалигида бозор ислохотларини кескин чуқурлаштириш муаммолари. Самарқанд, 1998. Б.74-83.
2. Кузнецов Г.С. Хирургические болезни животных в хозяйствах промышленного типа. Л.: Колос, 1980. 250 с.
3. Ниёзов Х.Б., Давлатов Н.Ш. ва бошқалар. Боқувдаги қорамолларда бўғин касалликлари ва унинг айрим хусусиятлари // Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида самарадорликни ошириш ва ислохотларни чуқурлаштириш йўллари. Самарқанд, 1996. Б.143-147.
4. Панько И.С., Издепский В.И. и др. Профилактика травматизма крупного рогатого скота // Ветеринария. М., 1990. С. 58-60.

УДК 619:636.3:614.4

Трубкин А.И.*, доцент, Менглиев Г.А.**, доцент
Гиззатуллин Р.Р.*, Улмасов Б.Ф.**, старшие преподаватели,
Лутфуллин М.Х.*, профессор,
ФГБОУ Казанская академия ветеринарной медицины имени Н.Э.Баумана*
Ташкентский государственный аграрный университет**

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИЛЬМЕТИНА ПРИ НЕОНАТАЛЬНОЙ ДИАРЕИ ПОРОСЯТ

Неонатальные диареи, которые сопровождаются тяжелыми токсическими явлениями, распространены повсеместно. Они вызывают высокий падеж и наносят большой экономический ущерб [1,2,7].

Около 90% новорожденных животных переболевают желудочно-кишечными болезнями и около половины всех заболеваний свиней, особенно в условиях промышленного свиноводства, составляют болезни желудочно-кишечного тракта. В структуре болезней желудочно-кишечного тракта свиней около 20% приходится на незаразные болезни. У новорожденных поросят наиболее распространена токсическая диспепсия или неонатальная диарея, у более старших возрастных групп наблюдаются катаральные гастриты, гастроэнтериты, гастроэнтероколиты [4,5,6,10].

Одним из требований, предъявляемых к новым лекарственным средствам, внедряемым в ветеринарию, является экологичность производства и возможность получения их из обновленных источников сырья, в частности растительного происхождения, получаемого из коры деревьев семейства ильмовых. В связи с этим актуальной становится разработка и внедрение в ветеринарную практику лечебно-профилактических препаратов растительного происхождения. [8,9].

Цель исследований. Целью наших исследований явилось изучение влияния Ильметина на гематологические показатели крови, рост и развитие поросят больных неонатальной диареей.

Материал и методы. В работе использовали «Ильметин», полученный на кафедре эпизоотологии Казанской ветеринарной академии доктором вет. наук профессором М.В. Харитоновым (патент на изобретение RU 2542466). Исследования проведены на кафедре эпизоотологии и паразитологии ФГБОУ ВО Казанская ГАВМ и в условиях хозяйства ЗАО ПЗ «Шойбулакский» Медведевского района Республики Марий Эл.

Опыты проводили на 20 поросятах суточного возраста, крупной белой породы. Животные были разделены на опытную и контрольную группы по 10 голов в каждой.

У поросят контрольной и опытных групп в начале и во время опыта были отобраны пробы фекалий для копрологических исследований. Исследования проводили согласно учебно-методического пособия [3]. Пробы кала брали в чистую сухую тару после самостоятельной дефекации. Исследовали следующие показатели: форма, цвет, консистенцию, скрытую кровь, содержание жира и жирных кислот, слизи, наличие лейкоцитов, эритроцитов, эпителия, яиц гельминтов, возбудителей протозоозов, соотношение палочковидных и кокковых форм бактерий.

Поросятам опытной группы кроме железосодержащего препарата на 3, 10 и 15 дни дополнительно назначали «Ильметин». Препарат вводили внутрибрюшинно в дозе 3 мл позади правого последнего соска на 1 – 2 см выше, а при наличии седьмых пар сосков – в промежутке между шестым и седьмым сосками, а поросят контрольной группы лечили по методу применяемой в хозяйстве.

Взвешивание контрольных и опытных животных проводили в период с 1 по 31 дни жизни, еженедельно. По результатам взвешиваний рассчитывали и среднесуточный прирост живой массы тела.

Кровь для исследования у поросят брали из хвостовой вены на 1 – ый и 30 – ый дни. В цельной крови определяли следующие показатели: содержание гемоглобина, эритроцитов, лейкоцитов по общепринятым методикам. Биометрическую обработку результатов исследований проводили с использованием компьютера в программе Microsoft Excel методами вариационной статистики. Все результаты исследований приведены к Международной системе единиц СИ. Определены средние арифметические каждого вариационного ряда, стандартные ошибки средней, степень вероятности нулевой гипотезы по сравнению с контролем путем вычисления критерия

Таблица 1.

Динамика живой массы поросят – сосунов, кг.

Группа	Возраст, дней				
	1	7	14	23	31
Контрольная	1,46±0,06	2,45±0,11	3,25±0,30	5,86±0,41	6,73±0,41
Опытная	1,45±0,05	2,38±0,22	3,44±0,32**	6,30±0,26**	7,07±0,27**

Примечание: **P<0,01 по сравнению с группой контроля.

Стьюдента-Фишера. При P<0,05 различие средних арифметических сравниваемых вариационных рядов считалось достоверным.

Результаты исследований.

Согласно наставлению по применению Ильметин обладает вяжущим, противовоспалительным, бактерицидным и бактериостатическим свойствами. Применение препарата в первые дни жизни молодяку сельскохозяйственных животных профилактирует возникновение болезней пищеварительного тракта.

Поросятам опытной группы на 3, 10 и 15 дни внутрибрюшинно вводили препарат «Ильметин».

Поросят контрольной группы лечили по методу применяемой в хозяйстве.

Путем макроскопического исследования было установлено, что у животных контрольной группы кал неоформленный, жидкой и мазевидной консистенции, желтого и белого цвета. У животных опытной группы, после применения препарата «Ильметин» кал становится оформленным, плотной и кашицеобразной консистенции, светло-коричневого и серо-коричневого цвета.

Микроскопическим исследованием кала установлено недостаточная переваривающая способность у больных животных (контрольной группы) вследствие быстрого прохождения каловых масс

по желудочно-кишечному тракту. У животных опытной группы переваривающая способность возрастала, так как количество детрита увеличилось в результате применения препарата «Ильметин». Детрит составляет основной фон при микроскопии нормального кала. Чем полнее происходит переваривание, тем больше в кале детрита.

По литературным данным известно, что увеличение числа лейкоцитов в кале свидетельствует о воспалительном процессе. В кале здоровых животных могут обнаруживаться единичные лейкоциты. В нашем опыте в группе животных, которым задавали препарат «Ильметин» лейкоциты не были выявлены.

Возбудители паразитозов у животных как у контрольных, так и у опытных групп не удалось обнаружить, что исключает диарею по причине паразитарных инвазий.

Путем микробиологического исследования установили соотношение палочек и кокковой флоры. У животных контрольной группы оно составляло 85 к 15%, в опытной группы на фоне применения препарата – 20 к 80%.

Анализ полученных данных показал, что явно выраженный дисбаланс соотношения палочек и кокковых форм бактерий в кале у больных животных нормализуется после применения препарата.

Таблица 2.

Гематологические показатели поросят-сосунов при применении «Ильметина».

Группа	Показатель			
	Эритроциты, $\times 10^{12}/л$	Лейкоциты, $\times 10^9/л$	Тромбоциты, $10^9/л$	Гемоглобин, г/л
	Фон			
Контрольная (n=10)	5,10±0,26	7,02±0,91	349,1±13,8	84,5±0,76
Опытная (n=10)	5,14±0,22	6,89±0,76	275,2±24,0	84,6±0,79
	30 сутки			
Контрольная (n= 8)	6,25±0,37	12,33±1,29	412,3±19,8	96,6±2,41
Опытная (n=10)	6,70±0,21**	10,1±1,2	313±30,3	108,7±1,74**

Примечание: **P<0,05 по сравнению с группой контроля.

В биологическом понимании рост как процесс увеличения общей массы клеток организма, его тканей и органов во времени определяется на основе данных показателей живой массы подопытных животных.

В таблице 1 представлены изменения показателей живой массы, подопытных групп поросят - сосунов в период с 1 по 31 дни жизни.

Из таблицы 1 видно, что при формировании подопытных групп средняя живая масса по всем группам составляла 1,45 кг. Наибольшая живая масса наблюдалась в опытной группе, где поросятам на 3, 10 и 15 день внутривенно вводили препарат «Ильметин». Заметная разница в живой массе в опытной группе отмечено начиная с двух недельного возраста. К месячному возрасту, поросята опытной группы превосходили контрольную группу на 340 гр. У животных улучшился аппетит, повысился нервно-мышечный тонус, видимые слизистые оболочки приобрели естественный розовый цвет.

В контрольной группе у 4 поросят - сосунов регистрировали расстройство желудочно-кишечного тракта, сопровождающиеся водянистыми испражнениями со специфическим запахом. Больным поросятам была проведена антибиотикотерапия. За время лечения в контрольной группе пали, 2 животных, им был поставлен диагноз гастроэнтерит. Сохранность поросят в данной группе составила 80%.

Таким образом, «Ильметин», обладает лечебным эффектом при расстройствах функций желудочно-кишечного тракта и обеспечивает 100% сохранность поросят сосунов.

Результаты гематологических исследований представлены в таблице 2.

По результатам гематологических исследований установлено, что Ильметин при применении поросятам-сосунам оказывает положительное влияние, сопровождающееся повышением у них количества эритроцитов и уровня гемоглобина по отношению к контрольной группе (31,3% и 28,6%). В контрольной группе отмечено также увеличение лейкоцитов к концу исследований.

Заключение. Таким образом, подтверждена выраженная противодиарейная активность Ильметина, что может служить основанием для использования его в ветеринарии при лечении заболеваний у

молодняка, сопровождающихся с поражением желудочно-кишечного тракта в хозяйствах с различной эпизоотической обстановкой по этим заболеваниям.

Литература:

1. Курятова, Е.В. Применение препарата «Малавит» при острых расстройствах пищеварения поросят /Е.В. Курятова// Вестник Алтайского государственного аграрного университета №3 (19), 2005 С. 51-54.
2. Леляк, А. Пробиотики и функциональное питание /А. Леляк //матер. VI Междунар. конф. «Современные технологии восстановительной медицины». 2001
3. Лутфуллин, М.Х. Лабораторные исследования кала у животных / М.Х. Лутфуллин, А.Х. Волков и др.// Учебно-методическое пособия. 2010. – 38с.
4. Панин, А.Н. Повышение эффективности пробиотикотерапии у поросят /А.Н. Панин, Н.И. Серых// Ветеринария, 1996. - №5. – С. 12-13.
5. Субботин, В.В. основные элементы профилактики желудочно-кишечной патологии новорожденных животных /В.В. Субботин, М.А. Сидоров// Ветеринария, 2004. №1. – С. 3-6.
6. Тараканов, Б.В. Новые биопрепараты для ветеринарии /Б.В. Тараканов, Т.А. Николичева // Ветеринария, 2000. - №7. – С.45-50.
7. Тараканов, Б.В. Применение пробиотиков лактоамиловарина и максиллина при выращивании поросят /Б.В. Тараканов, Л.А. Клубакова// Свиноводство, 2000. - №4. – С.5-7.
8. Трубкин, А.И. Интероперитониальное введение Ильметина, как способ коррекции иммунологического статуса у новорожденных телят при желудочно-кишечных болезнях / А.И. Трубкин, М.В. Харитонов// Ученые записки Казанской государственной академии ветеринарной медицины им. Н.Э. Баумана. – Т. 231 (III). - 2017. - С. 140-144
9. Харитонов, М.В. Способ получения лечебного препарата растительного происхождения при желудочно-кишечных заболеваниях животных/М.В. Харитонов, Г.Ф. Кабиров, И.И. Идиятов/ патент на изобретение RUS 2542466 2012г.
10. Шахов, А.Г. Этиология и профилактика желудочно-кишечных и респираторных болезней телят и поросят /А.Г. Шахов// Вет. консультант. 2003. №1. с4-5.

УДК: 619:639,3:616-084

Камбаров Абдурауф Абдурасулович, доцент,
Рўзиев Зоҳид Эгамбердиевич, к.в.н., Хакимов Шорасул, магистрант,
Самаркандский институт ветеринарной медицины

ИЗУЧЕНИЕ ТЕРАПЕВТИЧЕСКОЙ И ПРОФИЛАКТИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ВЕТОСУБАЛИНА ПРИ АЭРОМОНОЗЕ В УСЛОВИЯХ САДКОВ

Аннотация

Научная статья посвящена изучению терапевтической и профилактической эффективности препарата: ветосубалин, при аэромонозе в фермерских хозяйствах "Элдор-Дамин агробалиқчилик" Пайарыкского района Самаркандской области.

Ключевые слова: карп, садок, аквариум, острое, подострое, хроническое, симптомы, грануляция, плавник, ингредиенты.

Экспериментальная работа выполнена в фермерских хозяйствах "Элдор Дамин агробалиқчилик" Пайарыкского района Самаркандской области.

Терапевтическую эффективность препарата ветосубалин, при аэромонозе карпов изучали в контролируемом опыте, в садках (аквариумах) размером 3x4x1,5м. Было подобрано четыре группы карпов аналогичных по массе и клиническим признаком аэромоноза (подострое и хроническое течение).

1-ой группе опытных рыб давали с кормом культуру ветосубалин в дозе 25-30 млн. микробных клеток на 1 кг массы.

2-ой группе рыб давали колибактерии идентичного состава, без лекарственных препаратов (контроль).

Курс лечебного кормления составил пять суток; кормление проводили два раза в день, утром и вечером. Регулярно осматривали кормушки с целью учета поедаемости кормов.

После трехкратного кормления, от рыб 1-ой группы высевали псевдофекальные массы на питательные среды для определения приживаемости сенной палочки в кишечнике рыб. По истечении 5 суток с начала кормления, во всех исследуемых пробах была обнаружена сенная палочка.

После проведения курса лечения у рыб опытных и контрольных групп провели исследование внутренних органов на наличие *A. hydrophila*. В высевах внутренних органов рыб контрольной группы отмечали рост аэромонад и других видов микроорганизмов.

У карпов, обработанных лекарственными препаратами (с кормом) через 4 суток после окончания курса лечения происходило заполнение язв грануляционной тканью и эпителизация кожного покрова. За время проведения опыта масса рыб увеличилась, по группе 1, на 370 г.

В контрольной группе рыб изменений симптомов аэромоноза не было. За время опыта погибло 7 рыб, из патматериала которых была выделена *A. hydrophila*.


Препарат-ветосубалин обладает антибактериальной активностью по отношению *A. hydrophila*; приживается

Summary

Scientific article is dedicated to on studies therapeutic and preventive efficacy preparations: Vetosubalin, under aeromonoz in "Eldor-Damin agrofishing facility in Payarik district, Samarkand region.

в организме рыб при температуре 18°-21°С и способствует заживлению кожного покрова.

Опыты, проведенные в аквариумах и садках, позволили отработать дозы и схемы применения лечебных кормов (содержащих лекарственные препараты) и перейти к следующему этапу исследований.



После лечения (5-е сутки). Формирование новых чешуек у спинного плавника. Препарат ПВЭНТИ.

Возможность профилактики аэромоноза карпов препаратами ветосубалин исследовали в аквариальных условиях.

Профилактическую активность ветосубалина изучали в течении 15 дней. Заражали сеголетков карпа средней штучной массой 32-35 граммов. Рыб содержали в непроточных аквариумах, с работающими аэраторами, с температурой воды 18°-20°С, кормили комбикормом, хирономидами. После адаптации, в течение 14-дней, рыб разделили на четыре группы: три опытных и одну контрольную, по 20 экземпляров в каждой.

В трех опытных группах испытано три дозы ветосубалина: рыбам первой группы препарат давали в дозе 0,250 млн.спор/г корма, второй-0,500 млн.спор/г корма, третьей-0,750 млн.спор/г корма. Рыбы четвертой группы ветосубалин не получали.

Лечебный корм с ветосубалином готовили перед употреблением: ингредиенты корма увлажняли теплой кипяченной водой, тщательно перемешивали и добавляли по каплям водный раствор пробиотика в разведении 1:5. После перемешивания влажную мешанку скармливали карпам, находящимся в аквариумах. Норму суточного кормления определяли из расчета 5% корма к массе рыбы. Карпам лечебной корм дава-

Таблица. 1

№ групп	Кол-во рыб	Доза препарата	Количество рыб погибших через (дни)												Гибель рыб	Индекс защиты
			1-3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14		
I опытн.	60	12,5млн. спор/кг массы рыб	-	xx	-	-	-	11	23	2		*			36	40%
II опытн.	60	25,0 млн. спор/кг массы рыб	-	xx	-	-	-	9	7	3	3	*			22	64%
III опытн.	60	37,5 млн. спор/кг массы рыб	-	xx	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	2	97%
IV контр.	60		-	-	-	-	43	16	1	-	-	-			66	0%

Примечание: - X - дача корма с пробиотиком; XX - заражение вирулентной культурой аэромонад.

ли пять дней подряд. Рыбы четвертой группы препарат не получали.

На четвертые сутки лечебного кормления, сеголетков подвергли внутрибрюшинному заражению вирулентной двухсуточной агаровой культурой *A. hydrophila* в дозе 0,2 мл на одну рыбу, что соответствовало 0,1 миллиардов микробных клеток.

За рыбами наблюдали в течение 15-суток. Учитывали поведенческие реакции и клинические признаки болезни; по окончании опыта провели вскрытие рыб

Поедаемость кормов с добавкой ветосубалина была удовлетворительная, через 5-часов после дачи лечебных корм съедался рыбами полностью, не было замечено каких-либо отклонений в поведении карпов. Опыт проводили в трех повторностях. Из таблицы 1 видно, что в контрольной группе первый случай гибели рыб отмечали на третьи сутки после заражения. Погибло 43 рыбы, на четвертый день гибель 16 карпов, на пятый еще один.

Таким образом, в кантрольной группе, которую не обрабатывали ветосубалином, констатировали 100%-ную гибель рыб. У больных карпов отмечали экзофтальмию, сращение чешуи (общее и локальное), выпячивание ануса, асцит, точечные кровоизлияния на поверхности тела и у основания грудных плавников.

В первой группе (опытной) погибло 36 рыб: 11 погибли на четвертые сутки после заражения. На пятые сутки отмечали гибель 23, на шестые сутки 2; выжило 24 рыбы.

Во второй группе, где доза используемого пробиотика составила 0,5 млн. спор/г корма, после введения культуры аэромонад, с четвертого по седьмые сутки отмечали гибель карпов. Погибло 22-экз.рыб.

Клинические признаки заболевания у рыб этих двух опытных групп были выражены менее отчетливо.

В третьей группе, в которой рыбы получали наиболее высокую дозу ветосубалина (0,75 млн. спор/г корма) регистрировали гибель двух рыб на 9 и 10 дни после заражения.

По результатам проведенных исследований было установлено, что ветосубалин в смеси с кормом хорошо поедается рыбами и не вызывает побочных явлений; в дозе 0,75 млн.спор/г корма препятствует возникновению аэромонадоза, после экспериментального заражения вирулентной культурой аэромонад. Обработка карпа ветосубалином в дозе 0,5 млн.спор/г корма обеспечивала 64%-ную сохранность рыбы, в дозе 0,25 млн.спор/г корма-40% остались живы.

Выводы.

1. По результатам экспериментальных исследований было установлено, что ветосубалин в смеси с кормом хорошо поедается рыбами и не вызывает побочных явлений;

2. Ветосубалин в дозе 0,75 млн. спор/г корма препятствует возникновению аэромонадоза после экспериментального заражения вирулентной культурой аэромонад.

3. Обработка карпа ветосубалином в дозе 0,5 млн. спор/г корма обеспечивала 64% ную сохранность рыбы, в дозе 0,25 млн.спор/г корма-40% остались живы.

Литература:

1. Афанасьев В.И., Сулейманян В.С., Пумбурский Д.М. Профилактика и лечение при краснухе карпов Тез.докл. конф по интен.рыбох.испол.внут.водоем. Северо Кавказ. 1991, с 60-61.

2. Бермант М.В., Подзорова А.А. К вопросу чувствительности *Aeromonas hydrophila*, выделенных от карпов к некоторым антибактериальным препаратам. V-Всесоюз. Симпоз. По инфек. Болез. Рыб. Тез.докл. М. 1986, с. 12.

3. Гераськин А. Опыт оздоровления хозяйств от краснухи карпа. Сельско-хоз. ва Узбекистан, 1998, 6, с. 59.

4. Юхименко Л.Н., Койдан Г.С. Современное состояние проблемы аэромонадоза рыб. ЭН ВНИЭРХ, 1997, в.2. с 1-5.

5. Wadstrom T., Ljnng A., Wretling B. Enterotoxin, haemolysin and cytotoxic protein in *Aeromonas hydrophila* from human infections-Acto.pth.microbiol. Scand. 1996. Bd.84/p.112-114.

УДК: 619:636:519.13:321.924.3

Норбоев К.Н., профессор,
Эшбуриев Б.М., в.ф.д., Уразов Ш.А., магистрант,
Самарқанд ВМИҚОРАМОЛЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ОМИЛЛАРИ

Аннотация

Мақолада қорамолчилик фермер хўжаликларидан парваришланаётган ҳайвонлар организмда юзага келадиган моддалар алмашинуви бузилиши сабаблари, уларнинг иқтисодий зарари, бартараф этиш орқали хўжаликни ривожлантириш омиллари баён этилган.

Annotation

The given article describes the causes of metabolic disturbances the body of animals in livestock farms, their economic damage and methods of development of farms with the elimination of these phenomena.

Калим сўзлар: протеин, микроэлемент, макроэлемент, витамин, ёғ, концентрат, гўшт, сўт, моцион, морфологик.

Йил давомида ҳайвонларни боғлаб боқиш, моционнинг йўқлиги ёки чегараланганлиги (гипокинезия), чорвачилик биноларида микроклимат кўрсаткичларининг талабга жавоб бермаслиги, ҳатто рацион таркиби тўла қийматли бўлса ҳам ҳайвонлар организмда моддалар алмашинуви бузилиши касалликларига олиб келади [3].

Қорамоллар организмда моддалар алмашинувининг бузилиши билан кечадиган касалликлар чорвачилик фермер хўжаликларига катта иқтисодий зарар етказмоқда. Иқтисодий зарар қорамолларнинг гўшт ва сўт маҳсулдорлигининг пасайишидан, ҳайвонларнинг қисир қолишидан, ҳаётчанлиги паст, касалликларга берилувчан гипотрофик бузоқларнинг туғилишидан, маҳсулдор сигирларнинг эксплуатация муддатининг қисқаришидан, маҳсулот сифатининг пасайишидан, маҳсулот ишлаб чиқариш учун озуқа сарфининг кўпайиши ва маҳсулот таннархининг қимматлашувидан келиб чиқади [1].

Ҳайвонлар организмда оксил, углевод, липидлар, витамин ва минерал моддалар алмашинуви чуқур бузилган пайтларда тўқима ва органларда қайта тикланмайдиган морфологик ўзгаришлар юзага келади. Нагжада организмнинг функционал ҳолати ва унинг олдинги маҳсулдорлиги, репродуктив қобилияти тўла тикланмайди, ҳайвонларнинг рацион таркибидаги тўйимли моддалардан фойдаланиш самарадорлиги ва маҳсулот сифати пасаяди. Шунинг учун ҳайвонлар организмда моддалар алмашинуви бузилишини унинг бошланғич босқичида, яъни организмда касалликнинг клиник белгилари пайдо бўлмасдан олдин аниқлаш ва уни олдини олиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш катта аҳамиятга эгадир [2].

Организмда етишмайдиган витаминлар, макро ва микроэлементларни ўрнини тўлдириш билан модда алмашинуви жараёнларини нормаллаштириш, ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги ва турли касалликларга чидамлилигини ошириш ҳамда ҳайвонлар репродуктив хусусиятларининг яхшиланишига эришиш мумкин.

Хўжаликларда ажратилган ер майдонидан самарали фойдаланиш, макка ва беда билан бир қаторда озуқабоп лавлаги етиштириш орқали ҳайвонларнинг углеводли озуқаларга бўлган эҳтиёжини қондириш зарур. Озуқа базасини мустаҳкамлаш, озуқа тайёрлаш технологиясига риоя қилиш, тайёрланган силосда рН - 4,0-4,2, намлиги 65-70% бўлишини, сенажда рН - 4,5-5,4, намлиги 50-55% бўлишини назорат қилиб бориш керак. Сифатсиз ҳолатда тайёрланган силос ва сенажнинг таркибида мой кислота-

си микдорининг ошуви, ҳайвонлар организмда ацидоз ҳолатининг юзага келиши, кетоз касаллигининг ривожланиши ва сўт сифатининг пасайишига олиб келади.

Ҳайвонларни тўғри озиқлантириш орқали 1 литр сўт ишлаб чиқариш учун - 0,9-1,0 озиқа бирлиги, қорамолни 1 килограммга семиртириш учун 8-9 озиқа бирлиги сарфланишига эришиш зарур.

Маҳсулдор сигирлар рационда ўртача ҳар 100 кг тана вазни ҳисобида 2,8-3,2 кг, юқори маҳсулдор ҳайвонлар учун эса 3,5-3,8 кг қуруқ модда, 1 озиқа бирлиги ҳисобида 90-110 г ҳазмланувчи протеин, 80-100 г қанд, 40 мг каротин, 7-8 г кальций, 4-4,5 г фосфор бўлиши талаб этилади.

Сигирларнинг бўғозлик даврида модда алмашинуви даражаси кучаяди. Чунки она қорнидаги ҳомиланинг ривожланиши ва ўсиши учун кўп микдорда энергия сарфланиб, бу жараёнлар бўғозликнинг охириги 2 ойи давомида янада жадал кечади. Шунинг учун ҳам сигирларнинг соғиндан чиқарилган даври ўртача 55-60 кунни ташкил этиши зарур. Бу муддатни қисқартирилиши сигирлардан шу лактация давомида сўт олишни кўпайтирса-да, кейинги лактация даврида маҳсулдорлигининг кескин камайиши ҳамда ҳомиланинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Оқибатда бузоқлар нимжон, ҳаётчанлиги ва касалликларга чидамлилиги паст бўлиб туғилади ва келгусида подани тўлдириш учун яроқсиз бўлади.

Соғиндан чиқарилган бўғоз сигирларга берилётган концентрат ва ширали озуқаларнинг бир қисми дағал озуқалар билан алмаштирилади. Бу пайтда сигирларнинг жуда ҳам семириб кетишига ва шунингдек, ориқлаб кетишига йўл қўймаслик керак. Бўғоз сигирларни кунига 2-3 км атрофида юргизиш тавсия этилади. Бўғоз сигирларни бўғозлигининг охириги ойларида нотўғри парваришланиши ва озиқлантирилиши уларда тукқандан кейинги йўлдошни ушланиб қолиши, бачадон атонияси, субинволюция, субклиник эндометрит каби касалликларнинг келиб чиқишида асосий этиологик омиллар ҳисобланади [4].

Хўжаликда подани тўлдириш учун мўлжалланган бузоқларни алоҳида эътибор билан парваришlash лозим. Бунинг учун янги туғилган бузоқлар 15-20 кун давомида онаси билан биргаликда сақланиши ва улар учун етарлича шароит яратилиши лозим.

Бир ёшгача бўлган урғочи бузоқлар учун бир йилга 400 кг ёғи олинган сўт, 450 кг беда пичани, 1440 кг сифатли силос, 290 кг омихта ем, 1850 кг яшил беда,

650 кг яшил маккажухори массаси ва 7,5 кг ош тузи жамғарилиши керак.

Бир ёшдан катта урғочи таналарга бир йилга 450 кг беда пичани, 925 кг маккажухори кўк массаси, бир бош ғунажин учун бир йилга 450 кг беда пичани, 180 кг сомон, 272 кг омихта ем, 12 кг ош тузи талаб этилади.

Урғочи таналарнинг озикавий моддалар билан таъминланиш даражаси уларда тана вазнининг ортишини аниқлаш билан баҳоланади. Урғочи таналарнинг тана вазни 6 ойликда ўртача 150 кг, 1 ёшда 250 кг, 18 ойликда – 350 кг атрофида бўлиши лозим. Уларнинг уруғлантириш пайтидаги тана вазни онасининг тана вазнининг 75-80 фоизини ташкил этиши (ўртача - 340-350 кг) максадга мувофиқ бўлади.

Подани тўлдириш учун парваришланаётган ғунажинлар туғишига 2 ой қолгандан бошлаб алоҳида жойга ажратилиши, қўлга ўргатилиши ва ҳар куни бирикки марта елинларини массаж қилиш лозим. Бу тадбирлар тукқандан кейин сут маҳсулдорлигининг 15-25 фоизга юқори бўлишини таъминлайди. Ғунажинлар туғишига 10 кун қолгандан бошлаб туғиш бўлимларига ўтказилади ва туғиш пайтида ветеринария назоратида бўлади.

Бузоқларга увиз сутини иложи борича эртароқ, яъни туғилгандан кейин 0,5-1 соат ичида ичириш лозим. Чунки увиз таркибидаги иммуноглобулинларнинг ичаклар орқали қонга сўрилиши фақатгина 36 соатгача давом этади. Увиз сутини кечикиб истеъмол қилган бузоқлар диспепсия ёки бошқа касалликларга тез чалинувчан бўлади.

Бузоқларни онаси билан бирга сақлашда ҳам албатта кунига 3-4 марта сигирни соғиш, бунда бузоқнинг эҳтиёжи ҳисобга олинади лозим. Бузоқнинг сутга бўлган бир кунлик эҳтиёжи ҳаётининг биринчи 10 кунлигида тана массасининг 10% ини ташкил этиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Парашенко Н.С. Профилактика алиментарно-климатического бесплодия у коров голштино-фризской породы. Автореф. канд. вет. наук. Ставрополь, 2008.
2. Скиба А.А. Профилактика нарушений минерального обмена в организме коров с применением соединений биогенных микроэлементов: Автореф. дисс канд вет наук. Киев, 2006.
3. Хмельков Я.Т. Этиологическая структура, патогенез и лечение вторичных застойных дистонией преджелудков у коров: Автореф. дисс канд. вет. наук. Белгород. 2006.
4. Эшбуриев Б.М. Ветеринария акушерлиги. 2018.

УДК 577.1 : 636.3

С.Н.Фармонов, СамВМИ, мустақил тадқиқотчи

2-МЕРКАПТОБЕНЗОТИАЗОЛНИНГ ҲАЙВОНЛАР ОРГАНИЗМИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

Аннотация

Развитие животноводства и борьба с ветеринарными заболеваниями в Узбекистане является актуальной проблемой в наше время. В статье описывается препарат 2-меркаптобензотиазол, разработанный в Российской Федерации, который был выбран для борьбы с ветеринарными болезнями. Критериями оценки токсического действия препарата были выбраны 6 голов каракульских овец, их клинические и физические характеристики, морфологические и биохимические изменения в крови.

Согласно опыту, препарат вводили каракульским овцам в однократной дозе и было выявлено то, что токсическая доза составляет 8000 мг / голову и 1000 мг / голову, которая является безвредным на организм.

Калит сўзлар: 2-меркаптобензотиазол препарати, чорвачилик тармоқлари, АсАТ (аспартатаминотрансфераза) фаоллиги, токсик таъсири, клиник заҳарланиш, АлАТ (аланинаминотрансфераза) фаоллиги.

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда чорвачилик тармоқларини ривожлантириш ва ветеринария соҳасида касалликларни олдини олиш максадида турли доривор воситаларни қўллаш ҳамда бу дориларнинг токсикологик таъсирини ўрганиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ветеринария соҳаси ва чорвачилик тармоқларини илмий асосда ташкил этиш ва янги дори препаратларини қўллаш орқали турли касалликларни олдини олишга катта эътибор берилмоқда. Шу сабабли қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг касалликларини олдини олиш, даволаш ва маҳсулдорлик потенциалини оширишга таъсир қиладиган кимётоксикологик воситаларни ўрганиш муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Тадқиқот объектлари ва усуллари. Тадқиқотлар учун Россия давлатида ишлаб чиқарилган 2-меркаптобен-

Summary

The development of livestock farming and the struggle against veterinary diseases in Uzbekistan is an actual problem in our time. The article describes the drug 2-mercaptobenzothiazole, that was developed in the Russian Federation, which was chosen to struggle against veterinary diseases. For that purpose there were chosen 6 Karakul sheep, also their clinical and physical characteristics, morphological and biochemical changes in blood.

According to experience, the drug was administered to Karakul sheep in a single dose and it was revealed that the toxic dose is 8000 mg/head and 1000 mg/head, which is harmless to the body.

зотиазол препарати танлаб олинди. Препаратнинг заҳарли таъсирларини ўрганиш учун 6 бош қорақўл қўйлари ажратиб олинди. Тажрибадаги қўйлар хўжаликда қабул қилинган рацион асосида озиклантирилиб, зоогигиеник шароитларга жавоб берадиган шароитда сақланди. Қўйларда ўткир заҳарланиш белгиларини кузатиш учун уларга юмшоқ резина зонд ёрдамида кизилўнғач орқали юборилди. Препаратнинг токсик ва хавфлилик даражаси турли кимёвий токсик моддалар заҳарлилиги ва хавфсизлиги таснифига мувофиқ баҳоланди ҳамда ўткир токсик даражасини аниқлашда статистик усулдан фойдаланилди.

2-меркаптобензотиазолнинг токсик таъсирини баҳолаш мезонларида қорақўл қўйларининг клинко-физиологик кўрсаткичлари, клиник заҳарланиш симптомларининг намоён бўлиш муддатлари, коннинг морфологик

Препарат ўткир таъсир қилганда қорақўл қўйлари қонининг морфологик таркиби ва биокимёвий спектри (n = 6).

Қон кўрсаткичлари	Дастлабки даражаси	Тажриба кунлари		
		1	7	14
Эритроцитлар ($10^{12}/л$)	$9,58 \pm 0,68$ 100	$9,28 \pm 0,56$ 97	$9,13 \pm 0,23$ 95	$10,04 \pm 0,25$ 105
Лейкоцитлар ($10^9/л$)	$9,24 \pm 1,35$ 100	$6,61 \pm 1,50$ 72	$9,19 \pm 0,87$ 99	$8,15 \pm 0,37$ 88
Гемоглобин (г/л)	$148,8 \pm 5,0$ 100	$138,0 \pm 4,6$ 93	$144,3 \pm 10,8$ 97	$147,8 \pm 3,0$ 90
Ацетилхолинэстераза фаоллиги (ммоль/мин)	$1,15 \pm 0,10$ 100	$0,94 \pm 0,10$ 82	$1,18 \pm 0,05$ 103	$1,64 \pm 0,06^*$ 143
Аспаргатаминотрансфераза фаоллиги (моль/ч.л.)	$1,47 \pm 0,13$ 100	$2,03 \pm 0,14^*$ 138	$1,42 \pm 0,06$ 97	$1,02 \pm 0,18$ 69
Аланинаминотрансфераза фаоллиги (моль/ч.л.)	$1,12 \pm 0,08$ 100	$1,20 \pm 0,09$ 107	$1,27 \pm 0,07$ 113	$1,24 \pm 0,04$ 111

Изоҳ: Фарқлар дастлабки даражага нисбатан статистик аҳамиятли ($P < 0,05$)

ва биокимёвий кўрсаткичларининг ўзгариши ўрганилди.

Қоннинг шаклли элементлари гематологияда умумқабул қилинган усуллар билан, гемоглобин миқдори, ацетилхолинэстераза ферментининг фаоллиги, қон зардоби таркибидаги АсАТ ва АлАТ трансминаза фаоллиги ўрганилди. Тажрибалар натижасида олинган миқдорий маълумотлар умумэтироф этилган вариацион статистика усулларда “Электроника-Б3-34” ва махсус дастурлар асосида қайта ишланди.

Тажриба натижалари. 2-меркаптобензотиазолнинг қорақўл қўйлари организмга токсик таъсирининг ўрганиш учун 12 ойлик, 22 - 25 кг тирик вазнга эга бўлган 6 бош қорақўл қўйлари ажратиб олиниб, тажриба гуруҳи ташкил этилди. Токсик таъсири аниқланаётган 2-меркаптобензотиазол препарати тажрибадаги қўйлар учун бир бошга 1000,0; 3000,0; 5000,0 ва 8000,0 мг дозада оғиз орқали бир марта қўлланилди. Тажрибадаги қўйларда рўй берадиган ўзгаришларни аниқлаш мақсадида доимий равишда кузатиш олиб борилди.

2-меркаптобензотиазолни юқорида кўрсатилган дозаларда бир марта қўлланилганда тажрибадаги қўйлар организмда нейротроп таъсирга эга захарланишнинг клиник белгилари намён бўлиши кузатилмади. Барча қўйлар озикани яхши қабул қилди, иштаҳаси ва фаоллиги пасаймади. Бироқ тажрибанинг 3-куни 8000,0 мг дозада препарат юборилган қўйларнинг лаблари ва бурун бўшлиғи шиллиқ қаватларида майда ярачалар пайдо бўлди. Бу ўзгаришлар икки ҳафтадан кейин йўқолди.

Ўтказилган тажрибалар натижасига кўра, препаратнинг қорақўл қўйлари учун бир марта қўлланилганда токсик дозаси 8000 мг/бош ҳамда организмга таъсир қилмайдиган миқдори 1000 мг/бош эканлиги аниқланди.

Тажрибадаги қўйларга препарат ўткир таъсир даражасини аниқлаш учун 2000 мг/бош ва 3000 мг/бош дозаларда қўллаганда ҳайвонлар қонининг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларининг ўзгаришлари куйидаги 1-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларининг таҳлили шундан далолат берадики, тажрибадаги қўйларнинг қони таркибида эритроцитлар, лейкоцитлар сони ва гемоглобин миқдори текшириш кунлари мутаносиб равишда 3, 28 ва 7 фозга камайганлигини кўрамиз. Икки ҳафтадан кейин бу кўрсаткичлар дастлабки ҳолатига қайтганлиги аниқланди. Демак, препаратнинг 3000 мг/бош дозада қўлланилганда қўйлар қонининг морфологик таркибига жиддий таъсир қилмайди.

Қўйлар қон зардоби биокимёвий кўрсаткичларга текширилганда ацетилхолинэстераза ферменти фаоллигининг 18 фозга пасайиши ва аспаргатаминотрансфераза фаоллигининг 1,4 мартага ошганлиги ($P < 0,05$) аниқланди. Аланинаминотрансфераза фаоллигининг дастлабки даражага нисбатан 7-13 фозга ортиши статистик аҳамиятга эга эмас.

Ацетилхолинэстераза ферменти фаоллигининг 43 фозга ($P < 0,05$) ошиши статистик аҳамиятга эга эканлиги ва шу билан бир вақтда аспаргатаминотрансфераза фаоллигининг 31 фозга камайиши кузатилди.

Тажрибадаги қўйлар қонининг морфологик таркиби ва биокимёвий спектрида аниқланган ўзгаришлар шундан далолат берадики, 2-меркапто-бензотиазол таъсирида юрак ва жигар функционал ҳолатининг муайян равишда ўзгариши кузатилди.

Хулосалар. 1. Ўтказилган тажрибалар натижасига кўра, препаратнинг қорақўл қўйлари учун бир марта қўлланилганда, токсик дозаси 8000 мг/бош ҳамда организмга таъсир қилмайдиган миқдори 1000 мг/бош эканлиги аниқланди.

2. Тажрибадаги қўйларнинг қони таркибида эритроцитлар, лейкоцитлар сони ва гемоглобин миқдори текшириш кунлари мутаносиб равишда 3, 28 ва 7 фозга камайганлиги аниқланди.

3. Қўйлар қон зардоби биокимёвий кўрсаткичларга текширилганда ацетилхолинэстераза ферментининг фаоллиги 18 фозга пасайиши ва аспаргатаминотрансфераза фаоллиги эса 1,4 мартага ошганлиги ($P < 0,05$) аниқланди.

4. Ацетилхолинэстераза ферменти фаоллигининг 43 фозга ($P < 0,05$) ошиши статистик аҳамиятга эга эканлиги ва шу билан бир вақтда аспаргатаминотрансфераза фаоллигининг 31 фозга камайиши кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Саламова Н.А. Комплексное соединения рения (V) с 2-меркапто-бензотиазолом, 2-меркаптобензоксазолом и бензотриазолом. Автореф. дис.... канд. хим.наук. -Владикавказ. 2006.-13.

2. Хаитов В.Р. Сравнительная оценка токсичности пестицидов-производных эфиров тио- и дитиофосфорных кислот. Дис.доктора вет.наук.-М. 1989.-447 с.

3. Фарманов С.Н. Исследование репродуктивной функции животных в условиях хронического воздействия 2-меркаптобензотиазола. Межвузовский научный конгресс “Высшая школа: Научные исследования” -М. -2019.

70 ЁШ МУБОРАК, НОРМЕНГЛИ БОБО



Дехқонободда Бошчорбоғ деган қишлоқ бор. Қишнинг чилласида бу гўшани нега эсга олдингиз дерсиз. Аввало, қиш чилласида мол боқиш, уни хашак билан таъминлаш осон эмас. Сўнг жониворларни касалликка чалинтирмасликнинг ўзи бир машаққат, билим ва малака талаб этади. Яхшики, Дехқонобод чорвадорлар юрти, Бошчорбоғ эса энг билимдон одамлар яшайдиган, бир қўй сўйса ўрнига иккитасини олишни кўзлайдиган меҳнаткаш чорвадорлар макон тутган жой. Улар мутахассисни дипломи ё башанг кийинганига эмас, балки билимига, жониворни даволаганига қараб қадрлайди. Ана шу гўшада кадр топган ва тўйларнинг тўрида ўтиришга лойиқ топилган акамиз Норменгли Эшбоевич 70 ёшни қаршилади. Шу кун қишлоқ аҳли Худаёровлар хонадониди бўлиб, оила бошлиғини роса макташди, пазанда келинлар дастурхонга турли нозу неъматларни қўйишди, ош дамлашди. Фотоальбомларга, хотира дафтарларга “жон” кирди.

Нормейли Эшбоевич 1974 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлаб Дехқонободдаги катта бир хўжаликда ветврачлик қилди. Сўнг турли йилларда туман ва вилоят миқёсидаги масъул лавозимларда ишлади. Мамлакатимиз истиқлолга эришган йил у вилоят ветеринария бошқармаси бошлиғи эди. Сўнг республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тавсиясига кўра, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари вазифасига ўтказилди.

Устоз ҳамон сафда, ёшларга меҳрибон, шогирдларига тўғри йўл кўрсатувчи танти мутахассис. “Уф” демайди-ган, бировга ғазабини билдирмайдиган бу инсон 5 нафар фарзандни тарбиялаб элга қўшди. Айни пайтда 8 нафар бир-бирдан ширин-шакар неваралар бобони кўрса қувониб кетади. Эл оқишини олган ветврач Худаёровнинг эр-танги кундан умиди катта.

-Элимиз бундан-да обод бўлсин, юртбошимизнинг умрлари узоқ бўлсин, соҳамиз янада тараққий этсин, - дейди бир пайтлар оғир вазнда миллий кураш бўйича Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари чемпиони бўлган акамиз.

Биз унга омад тиладик, сизга кўз тегмасин полвон бобо, дедик.

ВЕТВРАЧЛИКДАН КАДР ТОПДИМ



Кўшкўпирлик чорвадору ветврачлар Шоназар оғани ўз касбини яхши биладиган фидойи мутахассис сифатида яхши билишади. Чунки у узоқ йиллар туман ветеринария бўлимида, турли лавозимларда ёшларга ўрнак бўлиб меҳнат қилди. Ўзбекёп қишлоғида яшовчи ёшларни ветврачлик касбини танлаши, институтларда ўқишига илҳом берди ҳам. Чунки у қайси даврага кирса, неча йилдирки, одамлар уни очик чехра билан қарши олади. Саломатмисиз, оға, чарчамайяпсизми, уйга ўтинг, меҳмон қиламан, дейди. Бу бежиз эмас. Чунки у ўша одамга қачонлардир беминнат хизмат қилган, сиғири ё қўйини даволагану қанча берай деганда, ўзинг биласан деган. Шу боис Шоназар оға дейишса, Ўзбекёпдаги кўпчиликнинг чехраси ёришиб кетади.

Яқинда оғамиз 60 ёшни қаршилаб кўнглига яқин кишиларни хонадонига чорлади. Кимдир зарбоф тўн, яна кимдир илиқ сўзи билан кириб келди. Шу кун Магчановнинг хонадони нурга тўлди. Биз ҳам бундан роппа- роса 36 йил илгари Самарқанддаги олийгоҳнинг ветеринария факультетини тугатиб, Кўшкўпирга қайтгач, ветеринария соҳасига буткул шунғиб кетган оғамизни қизғин табрикладик.

- Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатларини телевизорда кўриб, буткул руҳланиб кетдим. Унда сизу бизни ўйлантириб турган муаммолар қатори ёшларимизнинг истиболига даҳлдор масалалар ечими ҳам ай-тилди. Энг муҳими институтларга давлат грантлари асосида қабул қилиш икки қарра кўпайишини эшитиб ўрнимдан туриб кетибман, денг. Бу қанчадан қанча иқтидорли болаларимизнинг орзуси эди, - дейди Шоназар оға.- Ветврачликдан кадр топдим, шунга хурсандман. Қолаверса, бугун кўмитамиз раҳбарлари томонидан соҳамизнинг обрў- эътиборини кўтаришга катта эътибор берилмоқда. Мутахассислар малакаси оширилмоқда. Самарқанд ветеринария медицинаси институти ва унинг филиаллари ташкил этилгани бу, очиги, ҳақиқий мўъжизадир. Бундан буён фақат ўқиш керак, изланиш, касбни пухта эгаллаш керак. Ана шунда сиз пулни эмас, даромаду хурмат сизни қувиб юради, дейман шогирдларимга.

Айни пайтда ёшларга ўрнак бўлиб Кўшкўпир туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғининг ўринбосари лавозимида фаолият олиб бораётган оғамизга яна бир қарра оилавий тўқинлик тиладик, кайфиятингиз доимо аъло бўлсин, дедик.

Сирожиiddин Алиқулов